Грунт қатлами қалинлиги ва зичлагич машиналарнинг ўтишлар сони (ҳаракатланиш тезлигини) грунтнинг тури, машиналарнинг тури, ишларни бажаришнинг маҳаллий шароитига боғлиқ ҳолда белгиланиши ва синалма зичлаш натижалари бўйича аниқлаштирилиши лозим. Грунтни зичлаш даражаси намуна олиш усули билан назорат қилиниши лозим.

Тез нурайдиган қояли, шунингдек, йирик парчали грунтлардан тўкмалар тиклашда зичликнинг талаб этилган даражасига белгиланган тўкиш ва зичлаш маромига риоя қилиш билан эришилади, яъни: 3.16-банд талабларига мувофиқ тўкиладиган қатламларнинг қалинлигини ва алоҳида тошларнинг ўлчамларини чеклаш, дастлабки синалма зичлаш асосида зичлагич машиналарнинг ўтишлар сонини аниқлаш ва лойиҳа кўрсатмаларига мувофиқ чўкиш заҳирасини вужудга келтириш.

96. Тор ва чуқур жарларни кесиб ўтишда ва фақат боғланмаган грунтлардан фойдаланиб тўкмани «Бош» дан тўкишга йўл қўйилади.

97. Йирик парчали ва тез нурайдиган қояли грунтлардан тикланганда тўкмалар қалинлиги 0,4 m дан ортиқ бўлмаган, тез нурайдиган юмшайдиган қояли грунтлардан - 1 m дан ортиқ бўлмаган ва кучсиз нурайдиган қояли грунтлардан - 2 m дан ортиқ бўлмаган қатламлар билан тикланиши керак; бу ҳолда грунтда ўлчами зичланаётган қатламнинг 2/3 қалинлигига қадар, лекин 0,7 m дан катта бўлмаган таркибий қисмлар бўлиши лозим.

Қояли тўкмаларнинг камида 0,5 m қатламли устки қисми шағалли грунт билан тикланиши керак; бу ҳолда энг йирик таркибий қисмларнинг ўлчамлари 0,2 m дан катта бўлмаслиги лозим.

98. Сув ўтказиш қувурларини, кўприклар қозиқларини ва тиркагич деворларни қуриш, токи уларни грунт билан кўмиш тўкмаларни барпо этиш билан бир вақтда бажарилиши учун тупроқ қопламасини бунёд этишдан аввал бажарилиши лозим.

99. Сувўтказгич қувурларни кўмиш кўтарма тикланадиган грунт билан бажарилиши лозим. Грунт қувурнинг бор узунлиги бўйича бир пайтнинг ўзида горизонтал қатламлар билан бир хил баландликда ётқизилиши ва қатламма-қатлам зичланиши лозим.

Тўкмани айрим қисмларининг ўлчами 100 mm дан йирик қояли ёки бошқа грунт билан тиклашда сувўтказгич қувур дастлаб устидан камида 0.5 m баландликда юмшоқ (қумли, лойли) грунт билан кўмилиши лозим. Ушбу кўмиш қатламининг кенглиги қувур кенглигидан камида 1 m ортиқ бўлиши лозим.

100. Ўймалар табиий оқимга тескари йўналишда, ўйиқ тубига оқим тарафга нишаблик бериб кавланиши лозим.

Ўймаларни ишлашда вақтинчалик ариқлар ташкил этиш йўли билан сувни чиқариб юборишга йўл қўйилади.

101. Қояли бўлмаган грунтларда ўймаларни охиригача ўймасдан ва асосдаги грунт тузилишини бузмасдан бажариш зарур. Ўйма асоси бўйича камгак (недобор) қиймати тупроқ иншоотлари бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидаларида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги лозим. Грунтни лойиҳа белгиларидан паст ўйиб юборишга йўл қўйилмайди.

Ўйма асосидаги тасодифий ортиқча ўйишлар асос грунтига бир жинсли грунт билан тегишлича зичлаган ҳолда тўлдирилиши лозим. Нишаблардаги тасодифий ортиқча ўйишлар грунт тўкмасдан, лойиҳадаги кесимга силлиқ ўтиш билан текисланиши лозим.

102. Ўймалардан олинган грунтни, одатда, тўкмаларни тиклаш учун ишлатиш лозим. Грунт тўкмаларни тиклашга яроқсиз ёки уни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, уни ўймаларга бевосита яқин жойлашган рельефнинг пастқам жойларига ёки кавальераларга жойлаштириш лозим.

103. Бекатлар, аҳоли яшайдиган манзиллар ва саноат корхоналарининг худудларида, шунингдек, ярим ўймаларнинг тоғолди тарафида ҳамда кавальералар йўл юзасини қор ва қумли уюмлари билан қопланишига сабаб бўладиган жойларда, жумладан, саёз ўймалар бўйлаб грунтни кавальераларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер кўтармасининг пастқам тарафида жойлаштириладиган кавальералар кенглиги камида 3 m ли узилишлар билан ташкил этилиши лозим. Узилишлар пастқам жойларда ва камида ҳар 50 m да ташкил этилиши лозим.

Кавальераларни тўкиш қалинлиги 1 m гача қатламлар билан амалга оширилади, бунда ҳар бир қатлам текисланган бўлиши лозим.

104. Эриб юмшаган грунтларда ариқлар, сув кетадиган зовурларни жойлаштириш учун профилловчи чўмичли тескари кураклар билан жиҳозланган ариқ зовур қазгичлар ва экскаваторларни, музлаган гурунтларда ва IV-VI гуруҳлардаги грунтларда махсус жиҳозли ариқ зовур қазгичларни ва ҳаракатчан чўмичли эксаваторларни кўллаш лозим.

Кюветларни кияликлар юзаси текисланиб, оқизгич призма қирқилганидан сўнг ташкил этиш лозим.

105. Ишчи белгиси 3,5 m гача бўлган тупроқ қопламанинг қиялигини қия пичоқлар билан жиҳозланган бульдозерлар ва автогрейдерлар, ундан юқори ишчи белгиларда эса универсал экскаваторлар ва драглайнлар воситасида қирқиб текислаш лозим.

Тупроқ қопламасининг оқизгич призмаси, автоматик бошқариладиган тўккич (отвал) билан жиҳозланган ўрта ва оғир автогрейдерлар билан кесилиши лозим.

106. Ботқоқликларда, айниқса сувли жойларда тўкмаларни тиклаш асосан қиш даврида бажарилиши лозим. Тўкманинг ботқоқлик сатҳидан пастдаги қисмини «бошидан бажариш» усули билан, қолган қисмини эса, қатламма-қатлам тўкиш лозим.

107. Ботқоқликларда зовур кесикларини, торф тушириладиган ариқларни, сув кетадиган ариқларни ташкил этиш ва торфсизлаштириш бўйича тайёргарлик ишларини бажариш учун қуйидагиларни қўллаш керак: ишлаш чуқурлиги 4 m гача бўлганда – ротор ва фрезер турдаги ариққазгичлар, чўмичи 0,8 m3 гача экскаватор-драглайнлар, чўмичлари 0,65 m3 гача тескари куракли экскаваторлар, бурғуловчи машиналар, чуқурлиги 4 m дан ортиқ бўлганда – портлатиш усули.

108. Қиш вақтида механизациялаштирилган усул билан тайёргарлик ишларини бажаришга ботқокликларнинг музлаш чуқурлиги 0,4 m гача бўлганда рухсат этилади.

109. Ботқокликларда ишловчи ерқазгич машиналар кенгайтирилган занжир тасмалар, самосваллар эса ўтувчанлиги юқори шиналар билан жиҳозланиши лозим.

110. Киш пайтида чуқурлиги 4 m дан ортиқ бўлган сертўнка сув босган ботқоқликларда минерал тубгача хандақларни, торфтуширгич ариқларни ташкил этиш ҳамда ювилма (сплавина)ларни юмшатиш учун портлатиш усулидан фойдаланиш лозим бўлади. Портлатишни қудуқли зарядлар усулида ва узлуксиз горизонтал зарядлар усулида амалга ошириш лозим.

111. Тик қумдор ҳандақларни ҳаво ҳарорати - 5°С дан паст бўлмаганда, асосий машина сифатида поналарни вибробосувчи ботиргич ёки экскаватор ишлатиладиган махсус ускуналар мажмуаси билан бажарилиши лозим. Зовурлар фильтрлаш коэффициенти 7-10 m/d дан паст бўлмаган ва таркибида 3% дан ортиқ чангсимон ва лойсимон зарраларга эга бўлмаган қум билан тўлдирилиши лозим

112. Ботқоқликларда тўкма қияликларини тўлдириш учун грунтларни, карьер тўкиш жойидан 8 km дан ортиқ масофада жойлашган ҳамда ташиладиган грунт ҳажми 50 минг m3 дан кам бўлмаган тақдирда, поездга юклаб ташиш мумкин, бунда муваққат қайта юклаш карьерларини ташкил қилишга йўл қуйилади.

Тўкмаларни (асоснинг мустаҳкамлиги ва ботқоқни сув босганлигига қараб) бир йўла бутун баландлигигача ёки икки босқичда тиклаш лозим: даставвал автосамосваллар билан қайта юклаш карьеридан келтирилган грунтдан профили паст тўқма (сўқмоқ) тикланади, сўнг поездда ташиб келтирилган грунт билан лойиҳа профилгача уюб тўлдирилади.

113. Тўкма туби грунтининг зичлашувини тезлаштириш, унинг барқарорлигини ошириш ва фойдаланиш жараёнида чўкишини камайтириш учун тўкмаларни муваққат босиб юклаш ва дастлабки зичлаш усули билан тиклаш лозим.

Босиб юклаш қатламининг қалинлиги, шунингдек, дастлабки зичлаш усулида тўкмани тиклаш режими лойиҳада белгиланади.

114. Тўкмани муваққат босиб юклаш усулида кўтаришда тўкма асосининг деформациясини кузатиб бориш лозим. Бунинг учун белги ва реперлар ўрнатилиши лозим. Белги (репер)ларнинг кўчиши устидан геодезик асбобли назорат амалга оширилиши лозим.

Муваққат юкловчи тарзида ишлатилган грунтнинг ортиқча қисми асос чўкишининг лойиҳавий қийматига эришилганидан кейингина олиб кетилиши лозим.

115. Тўкма тупроқни дастлабки зичлаш усулида кўтарганда грунтнинг иккинчисидан бошлаб ҳар бир навбатдаги қатлами, асос грунти унинг навбатдаги қатламидан юкламани қабул қилиш учун етарли даражадаги мустаҳкамликка эришганидан кейин тўкилиши лозим. Тўкмани кўтариш жараёнида назорат бурғилаш ва грунтни мустаҳкамликка синаш бажарилиши лозим.

116. Кўчма (бархан) қумли зоналарда ер кўтармасини тиклашда тупроқ ишлари қумларнинг табиий ҳолатини минимал даражада бузиб олиб борилиши лозим.

Кўтарма ва унга туташ полосаларни шамол учиришидан мустаҳкамлаш унча узун бўлмаган участкаларда ер кўтармаси тикланиши билан дарҳол бажарилиши лозим. Йўлни ётқизишни ва балластлаш ишларини ер кўтармасини тикланиши билан кетма-кет бажариш лозим.

117. Кўчма қумли зоналарда тўкмаларни, фойдаланилаётган тупроқнинг табиий намлиги пасайишига йўл қўймасдан захиралардан фойдаланиб тиклаш лозим. Юзаси тўлиғича ёки қисман ўсимликлар билан қопланган участкаларда тўкмани кўтариш учун вертикал нишабли тор, ammo чуқур захира бунё қилиш лозим, бунда берманинг кенглиги захира чуқурлигининг 1,5 бараваригача оширилади.

118. Кўчма қумларда ўймалар, грунт 150 m гача узоқликка кўчирилганда чўмичининг сиғими 0,8 ва 1,2 m3 бўлган драглайнлар билан ўйилиб, аксарият курак турдаги бульдозерлар билан грунт кавальерга сурилиши лозим. Тупроқ нам, қисман музлаган ҳолда бўладиган куз-қиш ва эрта баҳор даврларда ўйишни скреперлар воситасида бажариш лозим.

119. Дарё қайирларида тўкмаларни бунёд этишда тупроқ ва ва мустаҳкамлаш ишлари сув тошқинлари бошлангунча тугалланиши лозим.

120. Ўпқонли, шўрланган, чўкувчи, кўпчийдиган грунтлар тарқалган ҳудудларда, тик қияли ва беқарор нишабларда, шунингдек бошқа ноқулай геологик ва гидрогеологик шароитларда тупроқ қопламасини, унинг барқарорлигини лойиҳада назарда тутилган даражада таъминлаш бўйича махсус тадбирларга риоя қилган ҳолда тиклаш лозим бўлади.

121. Ўйма ва тўкмаларнинг қияликларини ер кўтармасининг айрим қисмлари тайёр бўлишига қараб маҳкамлаб бориш лозим. Майса асосан гидроэкиш усулида, чим ишлатмасдан экилиши лозим.

Тупроқ ишлари қиш даврида бажарилганда, ўйма ва тўкмаларнинг қияликларини мустаҳкамлаш, грунт эригандан кейинги даврга мўлжалланиши, бунда кўтармани эрув сувлари таъсирида бузилишидан сақлаш тадбирлари кўрилиши лозим (сув кетиш ариқларини ташкиллаштириш, қияликлардан қорни кураш ва б.).

122. Қишда бажариладиган ишлар таркибига қуйидагилар киради:

– қуруқ қумларда, шағал-тош, қояли ва даставвал юмшатилган грунтларда ўйма ва карьерларни ясаш;

– башарти музлаш ва эришда тўкмалар асосининг мустаҳкамлик ва қайишоқлик хоссалари сезиларли ўзгармаса, тўкмаларни ўша грунтлардан бунёд қилиш;

– ботқоқликларда тўкмаларни тиклаш;

– кориз ва чуқур дренаж ўйиқларини бунёд қилиш.

124. Қуйидагиларни қиш даврида бажаришга йўл қуйилмайди:

- лойли грунтларда ер кўтармасини текислаш;

- қояли бўлмаган грунтларда чуқурлиги 3 m гача бўлган ўйиқларни ясаш;

- тўкмаларни захиралардан тиклаш;

- саёз сув кетиш ариқларини қазиш.

124. Қиш даврида бунёд этиладиган тўкмалар учун чекланмаган миқдорда қояли ва дренажловчи грунтлардан, шунингдек, намлиги ёйиш чегарасидан юқори бўлмаган лой грунтлардан, сувга тўйинмаган майда ва чангсимон қумлардан фойдаланишга рухсат берилади. Намлиги кам грунтлар бўлмаганда, нимқаттиқ қуюқликдаги лойли грунтларни қўллашга йўл қуйилади, бунда тўкманинг устки қатламини тиклаш учун фақат эриган грунтлар ишлатилиши лозим.

125. Қиш вақтида тупроқ ишларини бажаришда куйидагиларни бажариш зарур:

– тўкма остидаги асосларни қор ва муздан тозалаш;

– тўкмага қор ва муз тушишига йўл қўймаслик;

– тўкманинг тиклаш усули ва баландлигидан қатъий назар уни оғир зичловчи машиналар ва панжарали ғалтак машиналар билан зичлаш;

– музлаган грунтлар тўкмага жойланадиган грунт умумий ҳажмининг 30% дан ортиқ бўлишига, тўкмада уячалар кўринишида нотекис жойлашишига, шунингдек, тўкманинг қия қисмида музлаган кесаклар йиғилишига ва уларни қияликлар сиртидан 1 m дан яқинда жойлашишига йўл қўймаслик; музлаган грунт кесакларининг ўлчамлари зичланаётган қатлам қалинлигининг учдан икки қисмидан кўп ва 0,2 m дан катта бўлиши лозим;

– тўкмаларнинг устки қисмини, шунингдек, сувўтказгич қувурларнинг усти ва икки тарафидаги грунт қатламини камида 1 m қалинликда эриган лойли ёки дренажловчи грунт билан кўмиш;

– кўприклар олдидаги таянч ва конусларнинг орт қирралари орқасидаги тўкмалар учун фақат эриган дренажловчи грунт қўллаш;

– дарё қайирларидаги тўкмаларни, шунингдек, сувни оқимини бошқарувчи иншоотларни фақат қояли ва йирик парчали грунтлардан, шағалли, йирик ва ўрта катталикдаги қумлардан тиклаш;

– дарё қайирларидаги тўкмаларни сув тошқини бошланишига қадар, тўлқин баландлигини ҳисобга олган ҳолда сув чиқишининг кутилаётган баландлигидан 0,5 m юқорилатиб тўкиш;

– ҳам ишларни бажариш чоғида, ҳам баҳор-ёз даврида грунт тўла эригунча тўкмалар ҳолатини кузатиб бориш;

– карьерлардаги грунтнинг музлашига йўл қўймасдан ишларни узлуксиз (туну-кун) бажариш;

– тўкмани лойли грунтлардан 5-жадвалда келтирилган қийматлардан катта бўлмаган баландликкача тиклаш.

5-жадвал

Қурилиш ҳудуди иқлими	**Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати, °С**	**Қиш вақтида лойли грунтлардан тикланадиган тўкмаларнинг энг катта баландлиги, m**
Қаҳратон совуқ	-2 дан паст	2,5
Совук	-2 дан +1 гача	3,5
Мўътадил	+1 дан +5 гача	4,5
Илиқ	+5 дан катта	Чеклашларсиз

126. Манфий ҳароратда бор баландлиги бўйича лойли грунтлардан тикланадиган тўкмалар учун қаҳратон совуқ ва совуқ иқлимли ҳудудларда тўкма баландлигининг 5% игача ва мўътадил иқлимли ҳудудларда 3% гача чўкишга захира назарда тутилиши лозим.

127. Бўртма кўпчишли ёки кучли даражада музга тўйинган грунтли участкаларда ўймаларни ковлаш ва қияликларни мустаҳкамлаш ҳавонинг манфий ҳароратида бажарилиши ва мусбат ҳарорат келгунча тугатилиши лозим.

Ўймаларни ёз вақтида, қачонки ер қазиш-транспорт машиналари бевосита грунт бўйлаб ҳаракатлана олганда ковлаш лозим. Ўймалар туну-кун, тор фронтда ковланиши лозим.

128. Тупроқ қопламасини тиклашда портлатиш ишларини қояли ва музлаган грунтларда қўллаш ва бутун йил давомида бир текисда бажариш лозим.

Қояли бўлмаган грунтларда қоя ўймалари ва йўлолди карьерлари жойлашган участкаларда тайёргарлик (ўтиш ва бурғилаш машиналарининг ишлаши учун токчалар ясаш) ва тупроқ қатламини ишлари асосан грунт музлагунча ва қор қатлами ҳосил бўлгунча бажарилиши лозим.

Портловчи моддалар (ПМ) рецептурасини танлашда устун равишда портлашда заҳарли газлар ажралиш ҳажмини камайтиришга имкон берадиган кислород баланси нолга тенг моддаларни қўллаш лозим.

Қопларда ётавериб босилиб қолган ПМ ларни ишлатишга тайёргарлик ишларини сув оқими ташкил қилинган майдончаларда бажариш зарур.

129. Ўйма ва ярим ўймалардаги қояли грунтларни портлатиш қудуқли ва шпурли зарядлар усулида, портлашнинг сейсмик таъсирини имкон қадар максимал пасайтиришни (контурли ва қисқа секинлаштирилган портлатиш, кичик диаметрли қудуқларни ковлаш ва б.) ҳисобга олган ҳолда бажариш лозим.

Қудуқ ва шпурларнинг диаметри, уларнинг жойлашуви ва портлатиш тартиби ишланаётган грунт қатламининг қалинлиги, портлатилаётган массив участкасида рельефнинг хусусиятлари, муҳандисий-геологик шароитлар, жинсларни парчалашнинг талаб қилинаётган даражаси, қияликлар турғунлигини ва тупроқ қопламаси асосий майдончасининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳолда белгиланиши лозим.

130. Қояли ўйма ва яримўймаларни ковлашда текис ва энг кам бузилган қияликларни ҳосил қилиш, битказиш ишлари ҳажмини камайтириш учун қиялик қудуқларни оғма жойлаштириш, уларнинг диаметрини 65-110 mm гача камайтириш, дастлабки тирқиш ҳосил қилиш билан контурли портлатишни қўллаш лозим.

131. Бир қатламда бажарилган, унча чуқур бўлмаган (6-8 m гача) тўкмаларни портлатишни бутун бор бўйида, ер қазгич машиналар ишга киритилмасдан аввал бажариш лозим. Бурғилаш-портлатиш ишлари ва портлатилган грунтни ер қазгич машиналар ёрдамида ишлаш 8-10 m дан чуқур ўймаларни ковлашда одатда тишлама (захватка)лар бўйича бурғилаш ва ер қазгич машиналарни бир пайтда ишга тушириш билан олиб борилиши лозим.

132. Ўймаларни охиригача ковлаш, ариқ, кюветларни ташкил қилиш, шунингдек, мавсумий музлаган грунтларни юмшатишда шпурли зарядлар усули қўлланиши лозим.

133. Сунъий иншоотлардан 50 m гача масофада жойлашган (агар лойиҳа бўйича бошқа ўлчамлар белгиланмаган бўлса) қояли ўймаларни портлатиш усули билан ишлаш кўрсатилган иншоотларни қурилиши бошлангунча якун топиши лозим.

134. V-VIII гуруҳлардаги грунтларда, IX гуруҳдаги камабразивли жинсларда, қояли бўлмаган грунт қатламлари мавжуд жинсларда ва қаттиқ киришмали музлаган қояли бўлмаган грунтларда қудуқлар ковлашда шарошли бурғилаш усули қўлланилиши лозим. X ва XI гуруҳдаги жинсларда, шунингдек, IX гуруҳдаги абразив жинсларда зарбавий-шарошли ва пневмозарбазий бурғилаш усули қўлланилиши лозим.

Қояли грунтларда шпурлар ҳосил қилиш учун перфораторли ва зарба-айлантиргич (ургичи чиқариладиган) бурғилаш усули қўлланилиши лозим.

Қояли киришмалари бўлмаган музлаган грунтларда ва IV ва V гуруҳдаги қояли грунтларда қудуқ ва шпурларни ҳосил қилиш учун асосан айлантирма бурғилаш усули қўлланилиши лозим.

135. Ўймалар ва яримўймаларни ишлашда қудуқ ва шпурларни бурғилаш, одатда, йўл-қурилиш турдаги бурғилаш машиналаридан фойдаланиб олиб борилиши лозим.

Бурғилаш машиналари чанг намловчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

136. Ўймалар ва ярим ўймаларни ишлашда қудуқли ва шпурли зарядларни портлатиш қисқа секинлаштирилган портлатишнинг энг мақбул схемаларини қўллаб амалга оширилиши керак: бўйлама-қаторли – қияликлардаги енгил парчаланадиган қояли грунтларда; кўндаланг-қаторли – текисликдаги худди шундай гурнтларда; ёриб кирувчи ва рўпара йўналган – VI-X гуруҳдаги қийин парчаланадиган грунтларда.

ПМ зарядларини қудуқларда портлатиш капсюльсиз усулда амалга оширилиши лозим.

137. Тўкмаларни дренажловчи грунтлардан гидромеханизация воситалари билан тиклаш зарур.

Тикланаётган тўкмада ўлчами 0,1 mm дан майда зарралар 15% дан ортик бўлмаганда тўкмаларни ювиб тиклаш учун майда, чангсимон қумлар ва лойли қумлардан фойдаланишга рухсат берилади.

Ишлатилган сув ювиш хариталаридан сув кетказиш ариқлари бўйича қайтарилиши лозим. Агар жойнинг рельефи сувни карьерга ўзи оқишига имкон бермаса, уни насослар билан ҳайдаб чиқариш лозим.

138. Бирламчи уюшни ташкиллаштиришни имкони бўлмаган ботқокланган ёки сув босадиган ҳудудларда тўкмаларни ювиб тиклашда тўкма асоси «пляжли» қияликда эстакадасиз бўйлама-ён ёки қатламли-грунттаянчли усулда ювиб тикланиши лозим.

139. Бурғилаш-портлатиш усули билан қояли грунтларда ишланаётган ўймаларнинг чаласи 10 см дан, ортиқча ўйиш 20 см дан кўп бўлмаслиги лозим.

Қияликлардаги бўртиш ва ўйиқлар ўймалардан нормал фойдаланишга, таъмирлаш ишларини бажаришга ва сув оқавасига тўсқинлик қилмаслиги, шунингдек, олдинда ётган йўлни

кўришни ёмонлаштирмаслиги лозим. Ўймалар асосидаги ортиқча ўйишлар маҳаллий қояли грунт билан тўлдирилиши лозим.

140. Тупроқ қопламасини қабул қилишда лойиҳа ўлчамларидан йўл қўйиладиган четланишлар 6-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ортмаслиги лозим.

6-жадвал

Четланиш тури	**Лойиҳадан четланишнинг йўл қуйиладиган қиймати**	**Текшириш усули**
Тупроқ қоплама ҳошияси (ўқи) баландлик белгиларининг четланиши**, cm**	**+ 5**	**Нивелирлаш**
Ариқ, ҳандақ, дренаж ва ҳ. тубининг лойиҳавий бўйлама нишаблигидан четланиш	**0,0005**	**Шунинг ўзи**
Ариқ, кювет, дренаж тубларининг минимал йўл қўйиладиган нишаблигининг камайиши	**Йўл қўйилмайди**	
Тупроқ қоплама ҳошиясининг ўқни лойиҳавий ҳолатидан четланиши**, cm**	**+ 10**	**Ҳар 50 m да ўлчаш**
Новли призма юқорисининг эни бўйича четланиши, cm	**+ 10**	**Шунинг ўзи**
Тупроқ иншоотлари нишабларининг қиялиги ортиши	**Йўл қўйилмайди**	**Пикетдаги камида иккита кўндалангда мисоллар**
Тўкма (ўйма) қиялиги ҳошияси (асоси)нинг лойиҳавий ҳолатдан четланиши, cm	**+ 15**	**Шунинг ўзи**
Қийликларнинг сатҳида кўпи билан ҳар 3 m да бўйлама четланиш, cm:		
Чим экилиб ва йиғма панжара билан мустаҳкамлашда	**+ 10**	**Шунинг ўзи**
Бетон плиталар билан мустаҳкамлашда	**+ 5**	**Шунинг ўзи**
Бермалар эни бўйича четланиш, cm	**+ 15**	**Ҳар 50 m да ўлчаш**
Дренаж ҳандақларининг кўндаланг ўлчамларидаги четланиш, cm	**+ 5**	**Шунинг ўзи**
Ариқларнинг кўндаланг ўлчамларидаги четланиш, cm	**+ 5**	**Шунинг ўзи**
Кювет ва сувни чиқариш ариғининг кўндаланг ўлчамларини камайиши	**Йўл қўйилмайди**	**Шунинг ўзи**
Қиялик, тўкма, ўйма, кавальераларда, шунингдек, тикланадиган ер майдонларида ўсимлик қатламининг лойиҳавий қалинлигидан	**20**	**Камида 5 жойда ҳар 10 m^2 ни текшириш**

четланиш, %		

Тўкмаларда кам солишлар ва ўймалардаги ортиқча ўйишлар тупроқ қопламаси асосий майдончаси бўйича 5 sm гача чегарада йўлни балластирлашда балласт қатлам ҳисобига тўғриланади.

ЙЎЛНИНГ УСТКИ ТУЗИЛМАСИНИ ҚУРИШ

141. Рельсли йўлнинг бўғинлари ва стрелкали ўтказгичларнинг блоклари бўғинйиғиш базаларда йиғилиши лозим.

Йиллик иш ҳажми 20 km дан ортиқ бўлганда базалар механизациялашган бўғин йиғиш стендлар, йиллик ҳажм 70 km дан ортиқ бўлса, яримавтомат бўғин йиғиш тармоқлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

142. Бўғин йиғиш базалари йўллари ва ускуналарининг жойлашуви қуйидагиларни таъминлаши лозим:

– ётқизиладиган материалларни тушириш, штабеллаш ва қайта ишлаш, йўл бўғинларини ва стрелкали ўтказгичларни йиғиш, уларни ҳаракат таркибига ортиш имконияти;

– материалларни тушириш, бўғин, блокларни йиғишда ва уларни ҳаракат таркибига ортишда кранларнинг минимал кўчишини таъминловчи тарзда ётқизиладиган материаллар, йиғилган бўғинлар ва стрелкали ўтказгичларнинг жойлашуви;

– хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳавфсиз ишлаш шароитлари.

143. Бўғин йиғиш базасида қўшни йўлларнинг ўқлари ўртасидаги масофа камида 5 m бўлиши, материал ва тайёр маҳсулот штабеллари қўшни йўлнинг ўқидан 2,45 m дан яқин бўлмаган ҳолда жойлашиши, қўшни штабеллар орасидаги масофалар одамлар ўтиши талаб қилинмайдиган жойларда 0,5 m дан, одамлар ўтадиган жойларда эса 1 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Базаларда ўт ўчириш машиналари ўтиши учун ҳар 100 m оралиқда камида 6 m кенгликдаги ўтказмалар ташкил этилиши лозим.

Материал ва тайёр маҳсулот штабеллари билан кранларнинг туртиб чиққан жойлари орасидаги масофа камида 0,7 m бўлиши лозим.

144. Рельс-шпалли панжаранинг йиғилган ҳар бир бўғини текширилиши ва қуйидаги талабларга давоб бериши лозим:

– рельслар, шпаллар ва маҳкамлагичларнинг турлари лойиҳага мос келиши лозим;

– йиғилган бўғинлардаги ғилдиракларнинг айланиш сиртидан 13 mm паст сатҳда рельс каллакларининг ички қирралари орасида ўлчанадиган из кенглигининг четланишлари ±2 mm дан ортмаслиги керак;

– йиғилган бўғинларда рельслар учлари йўлнинг тўғри участкаларида ётқизилганда – бурчаклик бўйича ±1 см қўйим (допуск) билан; эгри қисмларда ётқизилганда – ҳисобланган қочишдан ±1 см қўйим билан жойлашиши лозим;

– аралаш ўзак михли маҳкамлашда рельслар, уларни йўлнинг тўғри участкаларида ва радиуси 1200 m дан катта эгриликларда ётқизишда шпалнинг ҳар бир учида, туташма шпаллардан мустасно, тўртта (рельснинг ҳар бир томонидан уни шпалга маҳкамлаш учун биттадан ва ҳар бир томондан қистирмаларни шпалга маҳкамлаш учун иккита қўшимча) қозиқ мих билан маҳкамланиши лозим; барча туташма шпалларда ва радиуси 1200 m ва ундан кам йўлнинг эгри участкаларида, шунингдек, ҳаракат тезлиги 100 km/c дан ортиқ участкаларда, кўприк ва туннелларда рельсли шпалнинг (кўприк тўсиннинг) ҳар бир учида бешта қозиқ мих билан маҳкамланади, улардан учтаси рельсни шпалга мустаҳкамлаш учун асосий (иккита ички ва

биттаси ташқи томондан), ва подкладкани шпалга маҳкамлаш учун иккитаси қўшимча мўлжалланган; қозиқ михлар олдиндан тешилган ва антисептик ишлов берилган кавакларга тик қоқилиши лозим;

– алоҳида маҳкамлашда ҳар бир подкладка ёғоч шпалга тўртта шуруп билан ва рельс иккита болт билан, темирбетон шпалга эса, иккита ётқизиладиган болт билан бириктирилиши лозим;

– пружинали аксилсурмалар намунавий схемалар бўйича жойланиши ва шпалларнинг ён сиртига зич тақалиб туриши лозим; аксилсурмалар уларнинг (ўнг ва чап рельс иплардаги) ҳар бир тиши изнинг ташқарисига қаратиб жойлаштирилиши лозим;

– бўғиндаги шпаллар сони йўлнинг тоифаси ва мўлжалланган мақсадига боғлиқ равишда ётқизиш эпюрига мос бўлиши керак; шпаллар бурчаклик бўйича жойланиши, бунда шпаллар ўқларининг четланишлари эпюр бўйича ҳолатдан 2 cm дан ошмаслиги лозим;

– ёғоч шпал ва тўсинларга антисептиклар шимдирилиши, уларнинг учлари ёрилишлардан мустаҳкамланган бўлиши лозим;

– икки йўлли участкада ётқизиш учун мўлжалланган бўғинларда ёғоч шпалларнинг учлари дала тарафдан шнур бўйича; бир йўлли участкада - тўғри участкаларда ўнг тарафдан километрлар ҳисоби бўйича ва эгри майдонларда ташқи ип тарафидан текисланган бўлиши; шпалларнинг кесилган учларига антисептик ишлов берилиши лозим.

145. Йўлнинг устки тузилмасини ётқизишдан аввал қуйидагиларни бажариш зарур:

– тўғри участкаларда ҳар 100 m да ва эгри участкаларда ҳар 20 m да, ўтказма доиравий эгриликларнинг боши ва охирида, шунингдек, профилнинг синиш нуқталарида йўл ўқини мустаҳкамлаш;

– тупроқ қопламасининг асосий майдончаси ҳолатини, кўндаланг профили лойиҳавий шаклларига мослигига текшириш; бунда, шунингдек, уни сиртининг текислиги ва грунтни зичликнинг талаб қилинадиган меъёрларигача зичланганлигини текширилади.

Тупроқ қопламасининг йўлни ётқизишга тайёрлиги буюртмачи вакили иштирокида далолатнома билан расмийлаштирилади.

Тайёрланган тупроқ қопламаси устида машина ва механизмларнинг юришига йўл қўйилмайди.

146. Перегонларда рельс-шпалли панжараларни тупроқ қопламасига ётқизиш унинг асосий майдончасининг сақланишини (темирбетон шпалли йўлларни қумли йўлакларга ётқизиш, ётқизишдан сўнг йўлни дарҳол балластирлаш ва б.) таъминловчи чоралар кўриш билан бажарилиши лозим.

Тупроқ қопламасининг устки қатламида лойли грунтлар мавжуд бўлса, асосий майдончани бузилишидан ва балласт ўймаларнинг ҳосил бўлишидан қочиш учун тўхтовсиз ёмғирлар ва грунтларнинг баҳорги эриш даврида йўлни ётқизишга йўл қўйилмайди.

147. Бекат йўлларини, одатда, ётқизилган балласт қатлам бўйича ётқизиш лозим.

Бунда, қўшни йўлдан думпкарлардан туширилган балластни текислаш йўл текислагич (струг)лар ёки бульдозерлари ёрдамида, уни қатламма-қатлам зичлаш эса, зичлагич воситалари билан бажарилади.

148. Балластда юриш билан темирбетон кўприкларда йўл қуришда, шунингдек, барча кўприкларга келиш йўлида кўприкнинг икки томонидан камида 30 m масофада вақтинчалик келиш жойларини ташкил қилган ҳолда қалинлиги 15 см бўлган балласт қатлам ётқизилиши лозим.

149. Йўл туташмаларда зарур ҳарорат тирқишларига риоя қилган ҳолда ўқ бўйича ётқизилиши лозим. Ҳар хил турдаги рельслар туташтирилганда ўтказма накладкалар қўлланиши лозим. Ўтказма накладкалар ўрнига йўлга ҳар бир тарафи икки ёндаги уланадиган рельсларнинг муайян турига мос келувчи ўтказма рельсни ётқизиш йўл қўйилади.

Фақат бир поғонага фарқланувчи рельсларни (масалан, Р50 рельсларни Р65 рельслар билан) туташтиришга рухсат этилади.

150. Переездлар тўшамаси чегарасида рельсларнинг туташмаларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Туташма бу ораликка тўғри келганда 12,5 m узунликдаги бўғин ётқизиш билан туташмани силжитиш лозим.

151. Йўл ётқизгич кран ўтишидан сўнг ишчи поездлар ўтказилиши (ишчи ҳаракат) учун тупроқ қопламасига ётқизилган йўл режа ва профиль бўйича йўл текислагич ва ростлагич машиналар ёки гидравлик асбоб ёрдамида текисланиши лозим. Туташмалар рельснинг ҳар бир учида камида иккитадан тортилган болтларга эга бўлиши лозим. Йўлни элементлари бўйича ётқизишда рельслар шпал (тўсин)нинг ҳар бир учида камида иккита қозиқ михлар, шуруплар ёки ётқизиладиган болтлар билан маҳкамланган (алоҳида ёки аралаш маҳкамлашда) бўлиши лозим. Алоҳида маҳкамлашда клеммали болтларнинг гайкалари тортилган бўлиши лозим.

152. Стрелкали ўтказгичлар ва берк кесишмаларни намунавий эпюрлар бўйича блоклар билан тахланиши лозим.

Асосий йўлда разъезд ва қувиб ўтиш жойларида кириш стрелкаларини ётқизишда рамали рельслар олдида «ёриб кириш»ларни олдини олиш учун стрелкали ўтказгичларни тўғри участкаларда перегон тарафга йўл бўйлаб кўчиришга йўл қўйилади.

153. Йўлни ётқизиш бўйича ишлар йўлётқизгич машиналар, кранлар ва бошқа механизация воситалари билан жиҳозланган махсус колонналар (бригадалар) билан бажарилиши лозим.

Йўл ётқизгич машиналарни танлаш йиллик иш ҳажмлари, объектларнинг узунлиги ва тарқоқлигидан келиб чиққан ҳолда, техникавий-иқтисодий асосланишга биноан, қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

йўл ётқизишнинг йиллик ҳажмлари 70 km га тенг ва кўпроқ бўлганда темир йўлда юрувчи йўл ётқизгич консол кранлар; йиллик ҳажмлар 30-70 km га тенг бўлганда, - тракторли портал йўлётқизгичлар ва йиллик ҳажмлари 30 km дан кам бўлганда - енгил портал йўлётқизгичлар.

154. Йўлни балластнинг биринчи қатламига кўтариш, йўлни ётқизиш кетидан ушбу ишлар участкалари ўртасида узилиш 10 км дан ошмасдан бажарилиши лозим.

155. Йўлни балластирлаш бўйича ишлар йўлни режа ва профилда тўғрилаш жараёнларини автоматлаштириш билан бажарилиши лозим.

Балластирлаш ишларининг йиллик ҳажмлари 70 km ва ундан кўп бўлганда, электрбалластирлар ва узлуксиз ишловчи тўғрилагич-қоқиб-ростлаш машиналари; йиллик ҳажмлари 70 km дан кам бўлганда йўл кўтаргичлар, шпалқоқгичлар ва нуқтавий таъсир қилувчи ростловчи машиналарни қўллаш зарур.

156. Йўлни балластирлаш бўйича ишларнинг бошланишидан аввал йўлнинг тўғри участкаларида ҳар 100 m да, эгри участкаларида ҳар 20 m да, шунингдек, ўтиш жойи ва доиравий эгриликларда ва профилнинг синиш нуқталарида йўл ўқини мустаҳкамлаш билан у тикланиши зарур.

Шундан сўнг йўлни ўқ бўйича ростлаш ва тўғри участкаларда ўнг ипдаги (километрлар йўналиши бўйлаб) рельснинг каллаги бўйича ва эгри участкаларда ички ип бўйича нивелирлаш ўтказилиши лозим.

157. Рельслар, маҳкамлагичлар, шпаллар, балласт йўлга ётқизилишдан олдин уларнинг сифатининг давлат стандартлари ёки техникавий шартларнинг талабларига мослиги (паспорт ва сертификатлар бўйича) текширилиши лозим.

Балласт сифатини йўлни балластирлаш бўйича ишларни бошламасдан аввал ва ушбу ишларни бажариш жараёнида даврий назорат қилиш лозим.

158. Карьерлардан балластни иш жойига хоппер-дозаторларда ёки думпкарларда ташиб келтириш лозим. Тегишлича техникавий-иқтисодий асослашда иш объектларига яқин жойлашган оралиқ балласт омборларини ташкил этишга йўл қўйилади.

159. Шағалли балластни йўлга ётқизишда унинг шпал остидаги қалинлигини лойиҳавий қалинлигининг 20% ўлчамида зичланишида чўкиш захираси билан қабул қилиниши лозим.

160. Темирбетонли шпалли йўлни балластирлашни шпалларни синишдан сақловчи чора-тадбирларни кўрган ҳолда (балластнинг ўрта қисмидан уриб зичлашга йўл қўймасдан) бажариш зарур.

161. Киш вақтида йўлни балластирлашни қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда бажариш зарур:

– қумли ва шағалли ёки чиғаноқли балласт, одатда, карьердан йўлга ётқизиладиган жойга ташиш чоғида музлашини олдини олиш учун қуруқ (намлиги 6 % гача) ҳолатда ишлатилиши лозим; ушбу балласт материалларнинг намлиги юқори бўлганда уларни штабелларга тахлаш ва йирик кесакланиб музламаслиги учун даврий равишда аралаштириб туриш лозим;

– балластирлаш ишларини бажариш фронти узунлиги, иш сменаси давомида ушбу участкадаги йўлни балластирлаш ишлари тўлиқ якунланадиган қилиб белгиланиши лозим.

162. Темир йўл трассасининг қор босадиган қисмлари ётқизиш-балластирлаш ишларини бажаришда қиш вақтида қор босишидан қалқонлар билан тўсилиши лозим.

Кучли қор ёғиш вақтида балластирлаш ишларини тўхтатиб туриш ва фақат йўл қордан тозалангандан сўнг давом эттириш лозим.

163. Эгриликларда ташқи рельсни баландлатиш ташқи рельс ипи остида балласт қатламнинг қалинлигини ошириш йўли билан, кўприкларда эса йўлни кўндаланг тўсинларга ётқизишда – лойиҳа кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади.

164. Туташмасиз йўлни қуриш бўйича ишлар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг махсус талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

165. Қурилаётган йўлдан вақтинчалик фойдаланишда йўл устки тузилмасининг конструктив элементлари ўлчами ва ҳолатида йўл қўйиладиган четланишлар қуйидаги қийматлардан ошмаслиги лозим:

Йўлнинг тўғри ва эгри участкаларида изнинг кенглигида четланишлар:	
кенгайиш бўйича	6 mm
Торайиш бўйича	4 mm
из кенглигида четланишларни ажратиш	1 mm/m
йўлнинг тўғри ва эгри участкаларида рельслар ипи сатҳидаги (баландлик бўйича ўзаро жойлашувида) белгиланган меъёрларга нисбатан четланишлар	6 mm
рельс иплари каллаклари сатҳида четланишларни ажратиш	3 mm/m
доиравий эгриликда кўшни эгилиш ўқларидаги фарқ (хорданинг узунлиги 20 m бўлганда ҳар 10 m даги нуқталарда)	8 mm
Ўтиш эгри чизиқлари доирасида эгилиш ўқларининг бир текис ошиб боришида четланишлар (хорданинг узунлиги 20 m бўлганда ҳар 10 m даги нуқталарда)	6 mm

йўлнинг тўғри участкасида рельсларнинг туташган учлари жойлашувидаги четланишлар	8 cm
Туташган учлар орасидаги тирқишлар катталигида четланишлар	±3 mm
шпалларнинг жойлашувида эпюрдан четланишлар:	
Ёғоч	8 cm
Темирбетон	4 cm

166. Йўлга якуний ишлов беришда қуйидаги ишлар бажарилиши лозим:

– шпалларни белгилар бўйича рельсларда жойлаш, чўкиш ва қийшайиш жойларида йўлни ва стрелкали ўтказгичларни ростлаш, шпал ва тўсинларни ёппасига қоқиб чиқиш;

– хордалар бўйича эгриликларни текшириш билан рельс ипларини текислаш, тирқишларни созлаш, изнинг йўл қўйилмайдиган торайиш ва кенгайиш жойларида йўлни ва стрелкали ўтказгичларни қайтадан тиклаш;

– этишмаётган балласт бидан тўлдирган ҳолда балласт призмасига якуний ишлов бериш;

– этишмаётган бириктиргич ва аксилсургич (противоугон)ларни ўрнатиш, бириктиргичлар ва шпалларнинг устки тўшагини, шунингдек рельсларни балластдан тозалаш;

– йўл ётқизгичда тўшама, контррельс ва тўсиқларни лойиҳавий ҳолатга келтириш, доимий йўл ва сигнал белгиларини ўрнатиш.

167. Ётқизилган ва балластирланган йўлни қабул қилишда унинг ҳолатини қуйидаги талабларга мувофиқ текшириш лозим:

– йўл режа ва бўйлама профилда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ аниқ текисланган бўлиши лозим;

– эгриликларда кўшни ўқлардаги фарқ ва ўтувчан эгриликлар оралиғида эгилиш ўқларидаги бир текис ўтишдан четланишлар 4-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги лозим;

– бутун йўл орасидаги масофа, одатда, эгриликларнинг ички ипи бўйича ётқизиладиган қисқартирилган рельслардан мустасно, бир турдаги ва бир хил узунликдаги рельслардан ётқизилиши лозим;

– барча рельслар қияликка (шпалларнинг сиртига нисбатан изнинг ичига томон оғиш) эга бўлиши лозим;

– изларнинг туташмалари бурчаклик бўйича қўйилган бўлиши лозим. Туташмада учларнинг қочиши тўғри чизиқ бўйича 3 cm дан ва эгрилик бўйича рельсларнинг меъёрий қисқаришининг ярмидан 3 cm дан кўпроқ ортмаслиги лозим;

– туташмаларда учлар орасидаги тирқишлар 7-жадвалда кўрсатилган йўл қўйиладиган четланишларни ҳисобга олган ҳолда рельсларнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда белгиланган қийматларга мос келиши лозим;

– йўл суриб кетишдан тўла бекитилган бўлиши лозим. Тартибга солиш схемаси ва сони лойиҳавий маълумотларга мос келиши лозим;

– пружинали аксилсурмаларнинг скобалари шпалларнинг ён сиртига зич тақалиши лозим;

– йўлнинг икки изли участкаларида шпалларнинг ташқи учлари рельс ипига параллел шнур бўйича, бир изли участкаларида эса шпалларнинг учлари ўнг томондан километрлар ҳисоби бўйича текисланиши лозим;

– шпал ва тўсинлар йўлга ётқизилган йил тамғасига эга бўлиши лозим;

– балласт призманинг ўлчамлари 7-жадвалда кўрсатилган йўл қўйиладиган рухсат (допуск)ларни ҳисобга олган ҳолда намунавий кўндаланг профилларга мос келиши лозим;

7-жадвал

Номланиши	**Йўл устки тузилмаси элементларининг ўлчам ва жойлашувида йўл қўйиладиган четланишлар, тт**
Йўлнинг тўғри ва эгри майдонларида изнинг кенглиги бўйича четланишлар:	
Кенгайиш бўйича торайиш бўйича	**4** **3**
Йўлнинг тўғри ва эгри майдонларида рельс ипларининг сатҳда (баландлик бўйича ўзаро жойлашувида) белгиланган меъёрлардан четланишлари	**4**
рельс ипларининг доиравий эгриликда кўшни эгилиш ўқларида фарқ (хорданинг узунлиги 20 m бўлганда ҳар 10 m даги нуқталарда) қуйидаги тезликда ошиб кетмаслиги лозим**:**	
100 km/h гача **101-140 km/h да** **141-160 km/h да**	**5** **4** **3**
Ўтиш эгри чизиқлари доирасида эгилиш ўқларининг бир текис ошиб боришида четланишлар (хорданинг узунлиги 20 m бўлганда ҳар 10 m даги нуқталарда) қуйидаги тезликда ошиб кетмаслиги лозим**:**	
100 km/h гача **100 km/h дан баланд**	**3** **2**
Рельс туташмалри жойлашувидаги четланишлар:	
тўғри майдонларда **эгри** майдонларда	**кўпи билан 30, ammo рельсларнинг станарт қисқаришининг ярми билан 30 нинг йиғиндисидан ортиқ эмас**
Ҳисоб-китоб қилинган ҳароратда бириккан учлар орасидаги тиркишлар қийматидан четланишлар	**+ 2**
шпалларнинг жойлашувида эпюрлардан четланишлар**:**	
ёғоч **темирбетон**	**+ 40** **+ 20**
Шпала остидаги зичланган балласт қатламининг қалинлигида четланишлар	**+ 100; камайтиришга йўл қўйилмайди**
Профилнинг синиш нуқталари ўртасидаги чегарада йўл бўйлама профили лойиҳавий нишабликларининг ўзгариши	**йўл қўйилмайди**
Изоҳ: **1. Изнинг кенглиги бўйича лойиҳавий ўлчамлардан 4-жадвалда кўрсатилган четланишларга, уларни қуйидаги тезликда бир маромда ажратиш (тарқатиш) шарти билан йўл қўйилади: 120 km/h гача – йўлнинг 1 m масофасига 1 mm,** **120 km/h дан баланд – йўлнинг 1,5 m масофасига 1 mm.** **2. Йўлнинг 1 m масофасига 1 mm ажратишлар ташкил этилиш шарти билан рельсларнинг жойлашув сатҳида четланишларга йўл қўйилади.** **3. Тезкор ва ўта тезкор тармоқлар учун йўл устки тузилмаси элементларининг ўлчам ва жойлашувида йўл қўйиладиган четланишлар ва ажратиш ташкил этиш меъёрлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тарафидан белгиланади.**	

– балласт призманинг сирти ёғоч шпаларнинг юқори тўшагидан 3 cm га паст, темирбетон шпалларда эса уларнинг ўрта қисми юқори қисми билан бир сатҳда бўлиши лозим;

– стрелкали ўтказгичлар тасдиқланган эпюрлар бўйича ётқизилиши, ўтказгич ва чохорти (закрестовинная) эгриликлар эса ординаталар бўйича қўйилиши керак;

– ҳар бир стрелкали ўтказгичдан сувнинг нормал чиқиб кетиши таъминланиши лозим.

168. Темир йўлнинг устки тузилмаси ҳолатини текшириш учун йўл ўлчагич вагонларни ёки йўл ўлчагич араваларни қўллаш лозим; бунда изининг кенглиги, рельс ипларининг баландлик бўйича ўзаро жойлашиши, рельс ипларининг режадаги йўналиш бўйича ва иккала рельс ипларининг маҳаллий чўкишлари бўйича жойланишининг ҳолати текширилади.

169. Асосий йўлнинг устки тузилмасини қабул қилиш бўйича ишлар перегонлар бўйича (алоҳида пунктларининг чиқиш стрелкалари орасида), перегонда темир йўлда юрувчи кранлар билан ораliқ (пролёт) қурилмаларни ўрнатишни талаб этиладиган туннел ёки кўприк бўлганда эса, ушбу иншоотлар ўртасидаги участкалар бўйича бажарилиши зарур.

Алоҳида пунктларда йўл устки тузилмасини қуриш бўйича ишларни қабул қилиш манзил бўйича яхлит, бекат йўлларнинг умумий узунлиги 5 km дан ортик бўлганда, алоҳида парклар бўйича бажарилиши лозим.

170. Доимий фойдаланишга топшириладиган умумий тармоқ ва кириш жойлари йўлларининг устки тузилмаси конструктив элементларининг ўлчами ва ҳолати бўйича йўл қўйиладиган четланишлар 7-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги лозим.

Стрелкали ўтказгичлар элементларининг ўлчами ва жойлашувидаги йўл қўйиладиган четланишлар тасдиқланган «Темир йўлни жорий сақлаш бўйича йўриқнома» талабларига мос келиши лозим.

7-bob Йўл ва иншоотларни ҳимоя қилиш

171. Темир йўл йўллари ва иншоотлари қор, қум ва тупроқнинг силжиши, хавфли нишаб ва тош қулаш ҳодисалари, хавфли муҳандислик-геологик жараёнлар ва бошқа тахмин қилинадиган табиий ва техноген таъсирларнинг ҳисобланган таъсиридан ҳимояланган бўлиши керак.

172. Йўлни қор кўчишидан ҳимоя қилиш барча қор билан қопланган участкалар бўйлаб рельефни ҳисобга олган ҳолда трекнинг ҳар бир томони учун алоҳида таъминланиши керак.

173. Қор сақлайдиган ўрмон плантациялари қор кўчиришнинг тахминий йиллик ҳажмини ушлаб туришни таъминлаши керак.

174. Йўл ва иншоотларни ривожланаётган жарликлар, кўчкилар, тошқинлар, селлар, сув оқимлари ва бошқа хавфли табиий жараёнлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун тупроқни мустаҳкамловчи ўрмон плантацияларини таъминлаш керак, агар керак бўлса, бошқа муҳандислик иншоотлари билан биргаликда ишлатилиши керак. пастки қаватни лойиҳалашда СНиП 22-02 томонидан назарда тутилган. Тупроқни мустаҳкамловчи плантациялар нафақат тупроқ деформациясига дучор бўлган ҳудудларда, балки потенциал хавфли жойларда, шунингдек, оқим пайдо бўладиган ва шаклланадиган жойларда ҳам лойиҳалаштирилиши керак.

175. Темир йўл тармоғини потенциал хавфли техноген жараёнларнинг эҳтимолий таъсири зоналаридан (бузилган ҳудудлар, тўғонларнинг бузилиши натижасида сув тошқини ва бошқалар) кўчиришнинг иложи бўлмаса, махсус ҳимоя чоралари кўрилиши керак.

176. Стансиялар ва автотранспортларда тезюрар йўлларнинг темир йўл излари ўралган бўлиши керак. Чорвачилик ва йирик ёввойи ҳайвонлар темир йўлга кириши мумкин бўлган жойларда барча тоифадаги темир йўллар учун тўсиқ қурилмалари таъминланиши керак.

177. Темир йўлни хавфли геологик ва бошқа табиий ҳодисалар ва жараёнларнинг (қор кўчкилари, кўчкилар, селлар ва бошқалар) зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи иншоотларни қуриш йўлнинг тегишли участкалари вақтинча фойдаланишга топширилгунга қадар якунланиши керак ёки бу бўлимлар вақтинчалик ҳимояга эга бўлиши керак.

178. Кечиктирувчи тузилмаларни ўрнатиш (ҳимоя ва қўллаб-қувватловчи деворлар, қопловчи хандаклар ва бошқалар) йўл ишлари билан бир вақтда бажарилиши керак. Қурилиш

юклари бўлган поездларнинг вақтинчалик ҳимоя иншоотларидан фойдаланган ҳолда хавфсиз ўтишини фақат бир қатновда ишлаш даврида таъминлашга рухсат берилади.

179. Музликка қарши чоралар ва қурилмалар доимий ва вақтинчалик бўлиниши керак.

Доимий музлашга қарши қурилмалар табиий музлаш жойларида ва кўриб чиқилаётган объектнинг нормал ишлашини бузиши ёки транспорт ҳаракати ва структуранинг барқарорлигига хавф туғдириши мумкин бўлган сунъий музлаш эҳтимоли бўлган жойларда қўлланилиши керак.

Қурилиш даврида табиий шароитларнинг ўзгариши натижасида темир йўлни музлашдан тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш учун вақтинчалик чора-тадбирлар ва мосламалар қўлланилиши керак, бу тўсатдан ҳаракат хавфсизлиги ва иншоотларнинг яроқлилигига таҳдид соладиган музлаш пайдо бўлганда шунингдек, доимий музлашга қарши чора-тадбирларни лойиҳалаш ва қуриш учун узоқ вақт керак бўлган ҳолларда.

180. Музлашувга қарши чора-тадбирлар ва асбоблар музлашнинг генетик турини, музлашни озиқлантирадиган манба сувининг оқим тезлиги ва ҳароратини, музлаш зонаси ичидаги рельеф ва муҳандислик-геологик шароитларни, шунингдек, биргаликда белгиланиши керак, ер ости ва сув ўтказгичларни қуриш бўйича лойиҳа ечимлари тўплами билан ва тавсия этилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда.

8-bob Автоматика, телемеханика ва алоқанинг тузилиши

181. Перегон ва бекатларда сигналларни ўрнатишнинг лойиҳа билан белгиланган жойлари буюртмачи ва пудратчи вакилларидан иборат комиссия томонидан жойига чиқиб аниқлаштирилиши ва далолатномалар билан расмийлаштирилиши лозим.

Далолатномалар тасдиқланмасдан туриб сигналларни ўрнатиш бўйича ишларни бошлашга йўл қўйилмайди.

182. Монтаж учун топшириладиган диспетчерлик ва электрлаштириш марказлари ва б. техникавий хоналар электр ёритиш билан таъминланган, шунингдек қиш шароитларида ишларни бажаришда вақтинчалик иситиш учун қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

183. Автоблокировка тармоқларининг таянчлари механизациялашган асбоб ва юклаш-тушириш механизмлари билан жиҳозланган, йўл ёқасидаги қурилиш майдончаларида йиғилиши ва ўрнатиш жойига траверслар, тўсинлар ва маҳкамловчи деталлар билан йиғилган ҳолда етказилиши лозим.

Автоблокировка тармоқларининг темирбетон таянчларини ўрнатишга тайёрлаш улар ўрнатиладиган жойда бажарилиши лозим.

184. Юқори вольтли автоблокировка тармоқларини бунёд этиш бўйича ишлар перегон ва бекатлардаги автоблокировка қурилмаларининг монтажидан илгари бўлиши лозим.

Буюртмачига топширилишидан аввал юқори вольтли автоблокировка тармоқлари юқори вольтли симларнинг ерга нисбатан изоляцияси етарли эканлиги текширилиши лозим.

185. Темир йўлларнинг СЦБ ва алоқа магистрал кабелларини ётқизишда тупроқ қопламасининг жисмида (йўл четида) йўл ўқидан кабелгача масофа 2-2,3 m, ётқизиш чуқурлиги эса камида 0,5 m бўлиши лозим. Кабелни тортишни рельсли кабелётқизгич ёрдамида амалга ошириш керак,

186. Тола-оптик узатиш тармоқларининг тармоқ-кабел иншоотлари қўлланганда, техникавий жиҳатдан мукаммал кабел, ускуна, материал, машина ва механизмлар, шунингдек, темир йўллардаги рақамли тармоқларнинг техникавий эксплуатацияси жараёнида минимал даражадаги моддий ва меҳнат сарфида уларнинг ишончли ва юқори сифат билан ишлашини таъминловчи қурилишнинг индустриал усуллари назарда тутилиши лозим.

187. Ток ҳаво тармоқларини бунёд этишда, кабелни алоҳида жойлашган таянчларда ҳам, контакт тармоғининг металл ёки темирбетон таянчларида ва автоблокировка тармоқларининг

темирбетон таянчларида, агар ушбу таянчларнинг кўтариш қуввати осиладиган кабелдан барча амалдаги ва қўшимча юкламаларни қабул қилишга қодир бўлса, осиш мумкин бўлади. Акс ҳолда таянчларни алмаштириш назарда тутилади.

188. Бевосита грунтга ётқизиладиган, грунтда ётқизилган пластмасса қувурларда, металлдан ясалган, темирбетон ёки пластмасса новларда ўтказилган кабелларнинг трассалари, одатда, темир йўлнинг ажратиш йўлагида, тупроқ қопламасидан ташқарида ҳам, унинг ичида ҳам ўтиши мумкин.

ТОК ва юқоривольтли автоблокировка тармоқларининг трассалари, одатда, темир йўлнинг турли томонларидан ўтиши лозим. Ушбу талабни бажаришнинг имкони бўлмаганда ТОК трассаси юқоривольтли автоблокировка тармоқсига нисбатан «дала» тарафдан ўтиши лозим.

189. Перегонларда йўл ўқидан кабеллар, кабелли қувурўтказгичлар ёки новларни ётқизиш трассасига қадар минимал масофа тупроқ қопламасининг грунти, темир йўлнинг тури ва тоифаси, шпалалар материали, балласт призмаси ва ер кўтармасининг йўлни тўғри участкаларидаги кўндаланг профили ва ўлчамларига боғлиқ равишда 3,0 m дан 3,6 m гача масофани ташкил этиши мумкин.

190. Бекатлар бўйича кабеллар, кабелли қувурўтказгичлар ёки новларни ётқизиш одатда, четдаги йўлнинг қирғоғида, йўл ўқидан камида 3,6 m масофада ёхуд контакт тармоғининг, барча кучланишдаги ҳаво тармоқларининг таянчлари, ёритиш ҳамда стрелкалар мой қувурлари, сув новларини пневматик тозалаш учун ҳаво қувурлари таянчларидан ҳоли бўлган кам ишлатиладиган йўллар оралиғида ўтиши лозим.

191. Кабел ва кабелли қувурўтказгичлар ётқизиладиган трассалар уларни ётқизиш чуқурлигини ҳисобга олиб танланиши лозим:

– перегон ва бекатларда йўлларнинг четида юзадан кабел юзаси ёки қувурўтказгичга қадар камида 1,2 m;

– бермалар ва кюветорти токчалар бўйича – тупроқ қопламаси юзасидан кабел ёки қувурўтказгич юзасига қадар камида 0,9 m;

– бекатларда йўлларнинг оралиғида – тупроқ қопламаси (ёки балласт) юзасидан кабел ёки қувурўтказгич юзасига қадар камида 0,7 m;

– темир йўлнинг тупоқ кўтармасидан ташқарида, грунтлар гуруҳига қараб грунт юзасидан 0,4 дан 1,2 m гача чуқурликда.

192. ТОК ва қувурўтказгичларни ҳандақсиз ётқизганда темирйўлда юрадиган, шатакланадиган ҳамда ғилдиракли ёки занжиртасмали ўзиюрар кабелётқизгичларни қўллаш лозим.

193. ТОК ва кабелли қувурўтказгичларни ётқизиш учун ҳандақларни одатда механизациялашган усулда, темирйўлда юрадиган ҳандаққазгич, занжирли, роторли ёки фрезерли ҳандақ экскаваторлари, бир чўмичли экскаватор ва бар машиналаридан фойдаланиб қазиш лозим.

194. ТОК ва кабелли қувурларни ўтказиш, одатда, дрезина майдончаларида, темирйўлда юрувчи кабелётқизгичларда, темирйўлда юрувчи махсус ёйиш платформаларида, темирйўл платформаларида, ҳандақ ёнидан ёки унинг устидан транспорт воситаси ёрдамида кўчириладиган кабел транспорти ёки кабелётқизгичларда жойлаштирилган барабанлардан механизациялашган усулда амалга оширилади.

195. Йўл остида кўп сонли коммуникация ва ўтишлар кесиб ўтилгани туфайли машина ва механизмларни қўллашнинг имкони бўлмаганда кабелларни қўлда ёйиш назарда тутилади.

196. Магистрал ТОК бошқа мақсадларга мўлжалланган кабел билан бирга ётқзилганда магистрал ТОК четки қисмида бўлиши лозим. Кабеллар икки ярусда ётқзилганда магистрал ТОК юқори яруснинг четида бўлиши лозим.

197. Тупроқ қопламасининг қирғоғида, бермада, кюветдан кейинги йўлакда кабел муфталари ва кабелларнинг технологик захираларини кабелларни ётқизиш чуқурлигида йўл ўқидан 3,0-3,5 m масофада жойлаштириш лозим. Кабел муфталари ва камераларни йўл оралиқларида жойлаштириш тақиқланади.

198. Тупроқ ишларини амалга оширишда кабел ва қувурли ўтказгичларнинг шикастланишини олдини олиш учун тирқишларга (ҳандақсиз ётқизишда) ёки ҳандақларга огоҳлантирувчи (сигнал) тасмалар ётқизилиши лозим.

199. Огоҳлантирувчи тасма грунт юзасидан 350 mm масофада ётқизилиши лозим.

200. Кабел битта бўлганда тасма кабелнинг ўқи бўйича ётқизилиши лозим. Кабеллар бир нечта бўлганда тасманинг четлари четки кабеллардан камида 50 mm га чиқиб туриши лозим. Тасма(лар) ҳандақнинг бор эни бўйича ётқизилиши лозим.

201. Огоҳлантирувчи тасмаларнинг хизмат муддати ётқизилган кабел ва қувурли ўтказгичларнинг хизмат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

202. Перегон ва бекатларда энг четдаги темирйўл изидан 10 m дан ортиқ жойлашган кабеллар ётқизилган трассани, трассанинг тўғри чизиқли йўналишларида ҳар 250-300 m, эгри чизиқли йўналишларида ҳар 150 m оралатиб қуйидаги жойларда ўрнатиладиган темирбетон ёки металл трасса кўрсаткичлари билан белгиланади: қувурча ёки қувурларнинг бирикиш жойида; трасса буримининг бурчаги учида; темир йўлларни ёки автомобил йўлларни кесиб ўтишда ҳимоя қувурларнинг учида; перегонларда маҳсулот қувурлари, водопровод қувурлари, сув-оқава қувурлари ва бошқа ерости коммуникациялар билан кесишиш жойида; электр узатиш ва алоқа ҳаво тармоқларини кесиб ўтиш жойларида ҳаво тармоқлари таянчларининг оралиғида.

203. ТОК ни хавфли электромагнит таъсирлардан ҳимоялаш оралиқ масофаси ҳисоб-китоб йўли билан (одатда ҳар 10-12 km да) аниқланадиган тармоқвий ҳимоя ерлантиришни қўллаб ТОК зирҳини ерлантириш йўли билан бажарилади.

204. Ерлантирувчи қурилмани, одатда, ТОК ётқизилган трассадан 3-5 m масофада қурилиш узунликлари туташувида бириктирувчи ёки тармоқлантирувчи муфталар ёнида жойлаштирилади.

205. Реле шкафлари, бошқарув пультлари ва ташқи табло, релели стативлар, электр таъминот қурилмалари (таъминловчи ва заряд, разряд-қалқонларининг қалқон ва панеллари, шунингдек, рельсли занжирларнинг панеллари ўрнатиш жойига ички монтажи тўлиқ якунланган жамлама ҳолатида етказиб берилиши лозим. Перегонларда реле шкафлари, реле бўлимининг эшиклари майдон тарафидан жойлашадиган тарзда ўрнатиш лозим.

206. Темир йўлларнинг электрлаштирилган участкаларидаги барча металл конструкциялар (реле шкафлари, светофор мачталари, кўприкча ва консоллар) тортувчи рельсга ёки йўл дроссель-трансформаторларнинг ўрта нуқтасига ерга уланган бўлиши лозим.

207. Шкафлар, светофор мачталари, светофорлар, семафорлар, огоҳлантириш сигналлари, йўл қутилари, дроссел, бошқа полусти қурилмаларни ташқи бўёғи ишлаб чиқарувчи заводларда бажарилиши лозим. Жойига монтаж қилингандан сўнг такрорий бўялади.

208. Автоблокировканинг юқори вольтли-сигнал ва юқори вольтли тармоқларини зарур ҳолатларда (перегонлар бўйича) алоҳида пунктлар ўртасида участкалаб фойдаланишга топширишга йўл қўйилади.

9-bob Контакт тармоғини қуриш

209. Контакт тармоғини қуриш (реконструкциялаш) буюртмачи томонидан ишларни бажаришга тасдиқланган ишчи чизмаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ишчи чизмалардаги қурилиш сифатини пасайтирмайдиган ўзгартиришларни буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти ўртасидаги келишув бўйича киритишга йўл қўйилади.

EZR3847

210. Контакт тармоғини бунёд этишни қурилиш ва монтаж ишларини максимал даражада механизациялаб, йиғма темирбетон конструкциялар, заводда тайёрланган узел ва қисмлардан кенг фойдаланиб амалга ошириш лозим.

211. Мавжуд ва янги темир йўлларнинг контакт тармоғини қуриш, илгари электрлаштирилган участкалардаги контакт тармоғини капитал таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича ишлар, токи контакт тармоғини фойдаланишга топшириш пайтига қадар ишга тушириш комплекси ҳажмида барча иншоотларнинг (тяга подстанциялари, секциялаш постлари, электр таъминот тармоқлари, локомотив хўжалиги объектлари, йўловчи қурилмалари, СЦБ, алоқа ва тозалаш иншоотлари) қурилиши якунланадиган тарзда комплекс равишда амалга оширилиши лозим.

212. Контакт тармоғини бунёд этиш ёки реконструкциялаш бўйича ишлар бошлангунга қадар йўлни капитал таъмирлаш ишлари якун топиши лозим; тупроқ қопламаси ва йўлнинг устки тузилмаси амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос ҳолатга келтирилиши лозим.

213. Контакт тармоғини бунёд этиш бўйича ишларни бажариш муддатлари янги участкани электрлаштириш ёхуд илгари электрлаштирилган участкани капитал таъмирлаш ва реконструкциялаш ишларини тугаш муддатлари билан ўзаро боғланиши лозим. Бунда перегон ва бекатларда қурилиш ишларини бажариш, контакт тармоғи таянчларини тайёрлаш ва монтажга топшириш вақти ва монтаж ишларини ўтказиш муддатлари кўрсатилади.

214. Перегон ва бекатларда темир йўл изини эгаллаган ҳолда контакт тармоғини қуриш бўйича қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш учун поездлар ҳаракатида танаффус – давомийлиги мақбул «дарчалар» назарда тутилиши лозим.

Икки йўлли участкаларнинг перегонларида «дарчалар» нинг давомийлиги камида 2h ни (ҳар бир йўл бўйича иш куни давомида алоҳида, ўрнатиш ёки монтаж поездининг маневр амалга ошириши учун вақтни суриш билан), бир йўлли участкаларда эса камида 4h ни ташкил этиши лозим.

Бекатларнинг асосийсидан ташқари йўлларида (шунингдек, асосий йўлларга туташ бўғизларда) ишларни амалга ошириш учун (транзит поездларни ўтказиш заруратини ҳисобга олган ҳолда) давомийлиги камида 4h ни ташкил қиладиган «дарчалар» берилиши лозим.

Контакт тармоғини реконструкциялаш ва капитал таъмирлашда бериладиган «дарчалар»нинг давомийлиги техникавий-иқтисодий асосланишларга биноан қабул қилиниши лозим. Контакт тармоғини реконструкциялашда «дарчалар»нинг давомийлиги 6h дан кам бўлмаслиги лозим.

Янги қурилаётган темир йўл ёки вақтинчалик эксплуатацияга топширилган иккинчи йўлни электрлаштиришда «дарчалар»нинг давомийлиги 6h дан кам бўлмаслиги лозим.

«Дарчалар» куннинг ёруғ пайтида берилиши лозим.

215. Ушбу перегон ёки бекатда контакт тармоғи қурилиши бошланишидан илгари уни қуришга, шунингдек, бекат йўлларини (режа ва профил бўйича) қайта қуришга халақит берувчи алоқа, электр узатиш линиялари ва бошқа иншоотларнинг чиқарилиши якунланиши лозим. Янги электрлаштирилган темир йўлда (иккинчи йўлда) контакт тармоғини қуришда ёки темир йўл участкасини реконструкциялашда йўлни лойиҳавий ҳолатига келтириб созлаш зарур.

216. Контакт тармоғи лойиҳаларини, қурилиш ва монтаж ишларини индустриал усулда, максимал завод тайёрлигидаги конструкция ва узеллардан фойдаланиш ҳамда уларни жойида монтаж қилишнинг қулайлиги ҳисобга олиниб амалга оширилишини мўлжаллаб тузиш лозим.

217. Контакт тармоғини қуриш бўйича ишлар бошлангунга қадар, комплекс механизацияни қўллаган ҳолда ишларни узлуксиз бажарилишини таъминлайдиган ҳажмларда моддий ва техникавий ресурс, узел, конструкция ва ш.к. захирасини яратиш зарур.

EZR3847

Қурилишни моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш қурилиш ва монтаж ишларини бажариш жадвали билан боғланган тақвимий жадвал бўйича амалга оширилиши лозим.

Ҳар бир лангарли (таянч) участкада контакт тармоғини монтаж қилиш бўйича ишларнинг тўлиқ ҳажмига мўлжалланган моддий ресурслар захираси яратилиши лозим.

218. Янги темир йўлларни электрлаштиришда контакт тармоғини бунёд этиш, шунингдек, илгари электрлаштирилган участкалардаги контакт тармоғини капитал таъмирлаш ва реконструкциялаш бўйича қурилиш ишлар, контакт тармоғи таянчларини монтаж учун тасдиқланган жадвалга ва ишларни юқори сифатда бажарилишига мувофиқ топширилишини таъминлаш мақсадида комплекс тарзда амалга оширилиши лозим.

219. Янги электрлаштирилаётган участкада контакт тармоғи таянчларини қуриш қуйидаги асосий усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

– свая (қозиқли) пойдеворларни чуқурлаштириш ёки котлованлар қазиш, таянчларни «йўлдан» ишлайдиган механизмлар мажмуаси билан ташиб келтириш ва ўрнатиш;

– котлованлар қазиш, «даладан» ишлайдиган механизмлар мажмуаси билан таянчларни ташиб бориш ва ўрнатиш.

Жамланган усулни ҳам қўллаш мумкин, масалан, таянчларни ташиш ва ўрнатиш «йўлдан», котлованлар қазиш эса «даладан» ишлайдиган механизмлар билан амалга оширилади.

Ишларни тўғри ташкил этилиши ишларни «йўлдан» ташкил этишнинг таянчларни «даладан» ўрнатиш усулларини оқилона бирлаштиришни назарда тутиши лозим (маҳаллий шарт-шароитлар билан мумкин бўлган жойларда).

220. Янги тармоқларни электрлаштиришда контакт тармоғи таянчларини ўрнатиш ёки реконструкциялашда ишларнинг кетма-кетлиги қурилиш қисмини монтаж учун лангарли (таянч) участкалари билан топширишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиши зарур.

«Дарча» вақтидан имкон қадар яхшироқ фойдаланиш учун ишларни бир пайтда турли лангарли участкаларда бажарилишини ҳисобга олиб тақсимлаш зарур: бир жойда котлован қазиш ёки пойдевор тикланиш, бошқа жойда эса таянчларни ўрнатиш ва уларга контакт османи монтаж қилиш бажарилсин.

221. Таянчлар монтаж учун қабул қилингандан кейингина контакт тармоғини монтаж қилишга рухсат этилади.

Прораблик пункти доирасида контакт тармоғи монтажи бўйича прораб ёки уста, бригада ишлари участкасида эса, контакт тармоғини монтаж қилиш бўйича ишларни бажариш ҳуқуқига имтихонларни белгиланган тартибда топширгани хусусида гувоҳномага эга бригадир ишларни амалга оширилиши, хавфсизлик техникаси ва поездлар ҳаракати хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

222. Симлар, ушловчи, тутувчи ва бошқа қурилмаларни, занжирли контакт осмасини монтажи махсус монтаж механизмлари ва қурилмалари: монтаж поездлари, автодрезиналар, автомотрисалар, (автомобил ёки темир йўлда юрадиган) шарнир ўқли машиналар, ечиладиган монтаж мезаналари, шотилар ва б.) ёрдамида амалга оширилиши лозим.

223. Контакт тармоғи қурилмаларининг барча пўлат қисм ва конструкциялари иссиқ усулда руҳ билан қопланган ёки (таркибида руҳ мавжуд бўёқ билан) бўялган, резьбали қисмлари эса аксилзанг мой билан қопланган бўлиши лозим.

224. Пўлат тролар аксилзанг мой билан қопланган бўлиши лозим.

225. Симларнинг тури, русуми ва кесимига мос келмайдиган қисқич ва овал бирикмаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

226. Кўндаланг уловчи ва тутувчи тросларда синиқлар бўлмаслиги лозим.

227. Эгилувчан кўндаланг тўсинларнинг ушловчи тросларини бир ёки бир нечта узилган сими билан монтаж қилишга йўл қўйилмайди.

228. Симлар сони еттитадан ортиқ бўлган ушловчи ва тутувчи тросларда 160 km/h гача тезликларда кесмада кўпи билан бир дона узилган сим бўлишига йўл қўйилади (ҳаракатнинг 250 km/h тезлигида ушловчи тросларда узилган сим бўлишига йўл қўйилмайди). Узилиш жойлари худди шу металлдан ясалган сим билан бекитилиб ўралиши лозим.

229. Турли мақсадларга мўлжалланган кўп симли тросларни монтаж қилишда «фонар» (жингалак) ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди.

230. Контакт тармоғини фойдаланишга қабул қилиш ШНК 3.01.04-04 да баён этилган қоидалар, КМК 3.05.08-97 нинг асосий қоидалари ва Идоравий техникавий кўрсаткич ҳамда қурилиш меъёрларининг қўшимча кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади.

231. Контакт тармоғи буюртмачи томонидан қабул қилиниши учун қуйидаги ташкилотларнинг вакилларидан иборат ишчи комиссияси тузилиши лозим:

– буюртмачи;

– бош пудратчи;

– монтаж ташкилоти;

– фойдаланувчи ташкилот (Э).

232. Бош пудратчи, контакт тармоғини эксплуатацияга қабул қилиш бўйича ишчи комиссияси ўтказилишидан аввал электр таъминот қурилмаларига оид техникавий ва ижроия ҳужжатларини кўриб чиқиш учун буюртмачига топширади.

233. Контакт тармоғини салт ишлатиш мажбурий ҳисобланади, у электр таъминот масофаси томонидан қурилиш-монтаж ташкилотининг вакиллари билан биргаликда ўтказилади.

Контакт тармоғига кучланиш Электр таъминот бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан узатилади. Кейинги амалиётлар энергодиспетчернинг буйруқлари бўйича амалга оширилади. Тармоққа илк бора кучланиш берилган пайтдан бошлаб контакт тармоғи кучланиш остида ҳисобланади.

234. Токни ечиб олиш шароитларини текшириш учун электрлаштирилган участкани ишлаб турган электровоз ёки моторвагон секция воситасида амалий ишлаши бажарилади.

10-bob Фойдаланилаётган темир йўлларда курилиш-монтаж ишларини бажариш

235. Иккинчи йўлларни қуришда, бекатлар ва узелларни ривожлантириш ва қайта қуришда,участкаларни электрлаштиришда фойдаланишдаги темир йўлларда амалга оширилаётган қурилиш ва монтаж ишлари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўллардан техникавий фойдаланиш коидалари»га мувофиқ бажарилиши лозим.

236. «Дарча» чоғида бажарилаётган ишларнинг жойлари поезд диспетчери, бекат навбатчиси, зарур ҳолларда эса (электрлаштирилган участкаларда) энергодиспетчер ва тегишли (йўл, сигнализация, алоқа ва б.) дистанциялар билан доимий ишловчи телефон ёки радиоалоқа билан таъминланган бўлиши лозим.

237. «Дарча» чоғида бажариладиган қурилиш-монтаж ишларини фақат поезд диспетчерининг перегонлар ёпилгани ва иш жойлари сигналлар билан тўсилгани тўғрисидаги буйруғи олингандан сўнггина амалга оширишга йўл қўйилади.

238. Бекатларга туташ перегонларда ишларни бажариш учун тақдим этилган «дарча»лар, шунингдек, бекатнинг бўғзида ва асосий йўлларида бекат оркали поездлар ҳаракатини тўхтатмай амалга ошириб бўлмайдиган қурилиш ишларини бажариш учун хам ишлатилиши лозим.

239. Иш жойлари иккала томондан кўчма сигналлар билан Поездлар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалдаги қоида ва йўриқномаларга мувофиқ тўсилиши лозим. Ишлар тугаганидан сўнг сигналларни ечишга ушбу бўлимнинг 7.8-бандидаги талабларга мувофиқ йўлнинг ҳолати текширилганидан сўнг йўл қўйилади.

240. Кўришнинг ёмон шароитларида (чуқур ўймаларда, кескин буримлар ва б.), шунингдек, эшитишни ёмонлаштирувчи асбобларни қўллаб ишларни бажаришда поезднинг яқинлашаётганидан автоматик тарзда хабардор қилувчи сигнализация таъминланиши, шунингдек, навбатчи сигналчилар постлари ташкил қилиниши лозим.

241. Бекат йўлларида ҳаракатни бекитмасдан бажариладиган ва тўхташ ёхуд поездлар ҳаракати тезлигини камайтириш сигналлари билан тўсилишни талаб қиладиган қурилиш-монтаж ишларини бекат бўйича навбатчининг розилиги олинганидан сўнг амалга оширишга йўл қўйилади.

242. Фойдаланилаётган йўлларда ишларни бажараётган қурилиш ташкилотлари поездлар ҳаракатининг очилиш пайтига келиб йўл, контакт тармоғи ва бошқа иншоотларнинг ҳолатини, иншоотларнинг (материалларни, конструкцияларни туширишда, машиналарни ўрнатишда) яқинлашиш габаритларига риоя қилинишини текшириши ва йўл, иншоот ва қурилмаларни поездларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминловчи ҳолатга келтиришлари шарт.

243. Курилиш омборлари, карьер ва қурилишга хизмат кўрсатувчи шохобча йўллар, одатда, поездларнинг ҳаракат йўналишидан қатъий назар фойдаланилаёт-ган темир йўл бўйича қурилиш поездларини қабул қилиш ва жўнатишни таъминлаши, бу лойиҳада назарда тутилиши лозим.

244. Фойдаланиладиган йўлларни вақтинчалик автойўллар билан кесишмаларида йўлкалар тўкилиб ва тўшамалар ётқизилиб, огоҳлантирувчи белгилар, тунги пайтда эса ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган ўтиш жойлари ташкил қилиниши лозим.

245. Одамларнинг оммавий ўтиш йўли орқали материалларни ташиш жойларида ишларни бажариш даврида тўшамалар (рельслар каллаги сатҳида) ётқизилиши ва сигнал постлари ўрнатилиши лозим.

246. Фойдаланиладиган йўлларда ишларни бажаришда ишлаб турган йўлларни эксплуатация қилиш, ўтиш жойлари ва бошқа вақтинчалик иншоотларни бунёд этиш шартлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ёки минтақавий темирйўл узели билан келишилган бўлиши лозим.

247. Автоматика, телемеханика, алоқа, электртаъминот, контакт тармоғи, йўл тармоқ ва қурилмаларини, бошқа темир йўл иншоотларини шикастланиш хавфини юзага келтирувчи дарахтларни кесиш, тўнкаларни ковлаш, ҳандақ ёки котлованларни қазиш, бурғилаш-портлатиш ва бошқа ишларни фақат «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тегишли хизматларининг ёхуд ушбу иншоотлар тасарруфида бўлган корхоналарнинг масъул вакилларининг бевосита кузатуви остида амалга оширишга йўл қўйилади.

248. Иккинчи йўлларда, икки йўлли уламаларда ёки қайта қурилаётган бекатлар ва узелларда тупроқ қопламасини тиклаш бўйича ишлар қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда бажарилиши лозим:

– йўлларда ишлаётган одамларнинг, фойдаланишдаги йўл бўйича поездлар ҳаракатининг, машина ва механизмларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– тупроқ ишларини бажариш жараёнида фойдаланиладиган йўлларни минимал даражада қайта териш ва ва қайта уланишига эришиш;

– фойдаланиладиган йўллардан келтириладиган грунтни ташиш учун фойдаланиш.

249. Лойли грунтлардан тикланган, баландлиги 2 m дан ортиқ мавжуд тўкманинг нишабида иккинчи йўл учун мавжуд тўкмани кенгайтириш мақсадида грунтни тўкишдан аввал

кенгайтирилаётган тарафдан йўл ўқининг токчаларига 0,01-0,02 қиялатиб 1-1,5 m кенгликдаги поғоналар кесилиши лозим. Дренажловчи грунтлардан тикланган тўкмалар қиялигидан (кенгайтирилаётган тарафдан) чим олиб ташланиши, у бўлмаганда, грунт 10-15 см чуқурликда юмшатилиши лозим.

250. Иккинчи йўлларни қўриш учун қояли ўймаларнинг ўлчамларини белгилашда экскаваторнинг ишлаш имконини таъминловчи, фойдаланишдаги йўлнинг ўқидан ишланаётган ўйма нишаблигининг пастки ҳошиясигача энг кичик йўл қуйиладиган масофаларни ҳисобга олиш лозим. Чўмичининг ҳажми 1 m3 бўлган экскаваторни ишлатганда ушбу масофалар ўйма нишаблигининг тиклиги 1:0,2 бўлганда 11,7 m, ўйма нишаблигининг тиклиги 1:0,5 бўлганда 10,3 m; чўмичининг ҳажми 0,65 m3 бўлган экскаваторни ишлатганда кўрсатилган масофалар мос равишда 9,6 ва 8,5 m га тенг бўлади.

251. Иккинчи йўлларни қуришда бурғилаш-портлатиш ишларини бажариш даврида мавжуд йўлнииг, контакт тармоғининг, электр узатиш ва алоқа тармоқларининг, сунъий ва бошқа иншоотларнинг (йўл ва иншоотларни паналаш, алоқа тармоқларини кўчириш, кичик диаметрли зарядлар билан портлатиш, йўналтирилган портлатиш ва ш.к.) сақланишни таъминловчи махсус тадбирлар, шунингдек, зарур ҳолларда, қўшимча ўтиш жойларини қуриш ва портлатиш ишлари амалга ошириладиган жойларни ёритиш назарда тутилиши лозим.

252. Ўймаларни иккинчи йўл учун кенгайтириш бўйича бурғилаш-портлатиш ишларини бажаришда жинсларни етарли даражада парчаланишига эришиш, қияликларнинг бузилишини чеклаш ва жинс сочилишини камайтириш учун диаметри 150 mm дан катта бўлмаган, қийин парчаланадиган жинсларда эса 105 mm ва ундан кам бўлган қудуқларни, ўйманинг тор учига ёки дала тарафга йўналтирилган портлатишни қўллаш лозим. Ер қазиш машиналари ишлай оладиган кояли жинсларни портлатиш билан юмшатишга йўл қўйилмайди.

Иккинчи йўл учун қояли ўймаларни кенгайтириш фойдаланишдаги йўлда поездлар ҳаракати жадаллиги энг кам даврда, қор босадиган ҳудудларда эса йилнинг илиқ вақтида бажарилиши лозим.

253. Иккинчи йўл остида кояли чуқурчаларни кенгайтириш фойдаланиладиган йўл бўйича поездлар ҳаракати жадаллиги энг кам даврда, қор босадиган ҳудудларда йилнинг иссиқ вақтида бажарилиши керах.

Иккинчи йўлларни куришда ва бекатларни ривожлантиришда (қайта куришда) буғинйиғгич базаларни мавжуд ёки курилаётган алоҳида пунктларда мавжуд бекат йўллардан фойдаланиш имконини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

254. Фойдаланишдаги йўлдан қумли балластни ташиш ва тўкиш учун фойдаланиш имкони бўлганда иккинчи йўлнинг рельс-шпал панжарасини аввалдан тўкилган қумли ёстиқ устига ётқизиш лозим.

Фойдаланишдаги йўлдан балластни туширишда ишлаётган йўл балласт призмасининг нишаб қисмининг қурилаётган иккинчи йўл тарафидан шағални қумли балласт билан ифлосланишидан сақлайдиган материаллар билан қоплаш лозим.

255. Иккинчи йўлни куришда ёки бекатлардаги тупроқли кўтармани кенгайтиришда гидромеханизацияланган усул билан ювиладиган хариталарнинг кенглиги камида 10 m бўлиши лозим; бунда фойдаланишдаги йўл тўкмасининг ўта намланишини олдини олиш учун харитага энг юқори қуюқликдаги қуйқа берилишини назарда тутиш зарур; тиндиргич-ҳовуз энг кичик ўлчамларда бўлиши ва мавжуд тўкманинг қиялигидан 3-4 m масофада жойлашиши лозим; харитада уни узунлигининг ҳар 100 m га камида битта қудуқ бўлиши лозим.

256. Бекат ва узелларни ривожлантириш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажариш бекат (узел)нинг ўтказиш ва қайта ишлаш қобилиятини оширувчи алоҳида парк, йўл, бўғиз ва бошқа қурилмаларни босқичма-босқич ишга тушириш имконини таъминлаши лозим.

Бекат ва узелни қайта қуриш лойиҳасида назарда тутилган янги парк ва йўллар қуришни биринчи навбатда янги қурилган йўлларни ишга тушириш ҳисобига мавжуд йўлларнинг қайта қуриш учун уларнинг юкламасини камайтириш мақсадида бажарилиши лозим.

257. Бекат ва узелларни ривожлантириш (қайта қуриш) бўйича ишлар, ишларнинг ҳар бир босқичида бекатдан фойдаланиш учун зарурий шартоиларини таъминлаган ҳолда, йўллар ва стрелкали ўтказгичларни ётқизиш, бўлаклаш ва қайта ётқизишнинг «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган тартиби ва кетма-кетлиги белгиловчи ишларни амалга ошириш лойиҳалари бўйича бажарилиши лозим.

258. Қурилиш юклари ортилган поездларни қабул қилиш ва жўнатишни таъминлаш максадида қурилиш эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдаги бекат йўлларини ривожлантириш бўйича ишлар ушбу бекатга туташ перегонларда иккинчи йўлларии қуриш буйича ишлардан илгарироқ бажарилиши лозим.

259. Темир йўлиинг қайта қурилаёттан участкасидаги иш-ларни бажариш кетма-кетлигини белгилашда участканинг ўтказиш қобилиятини чекловчи алоҳида пунктларни биринчи навбатда ривожланиши назарда тутилиши лозим; бунда ёнма-ён ёки бир неча қўшни жойлашган бекатларда бир вақтнинг ўзида бир номли автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини реконструкция қилиш бўйича ишларни бажаришга йўл кўйилмаслиги ҳисобга олиниши лозим.

260. Автоматика ва телемеханика иншоотларини қуриш бўйича ишларни алоҳида бўғиз ёки паркларда, йўл ва стрелкали ўтказгичлар лойиҳавий белгиларга ётқизилгандан, йўллар оралиғи ва кабелларнинг ўтиш жойларини ортиқча грунт ва балластдан тозалангандан, шунингдек, полусти ускуналари ўрнатиладиган жойларини режалангандан сўнг бажариш лозим.

261. Йўллар жуда ривожланган станциялардаги тупроқ ишлари икки босқичда бажарилиши лозим: биринчи босқичда вақтинчалик фойдаланишни таъминловчи ҳажмдаги ишлар; иккинчи босқичда – лойиҳа (ёки ишга тушириш комплекси)да назарда тутилган қолган барча ишлар бажарилади.

Алоҳида парк, бўғиз ёки мавжуд станцияларга киришларда тупроқ ишларини бажариш йўлларни ётқизиш ва балластирлаш, сунъий ва бошқа иншоотларни қуриш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажаришнинг белгиланган босқичлари билан боғланиши лозим.

262. Темир йўлларни электрлаштириш бўйича ишларни бажаришда контакт тармоғини маҳаллий шароитлар ва иқтисодий мақбулликдан келиб чиқиб, «даладан» ёки «йўлдан» ишлайдиган машиналарни қўллаб қуриш лозим.

«Йўлдан» ишлаганда поездлар ҳаракати жадвалида давомийлиги техникавий-иктисодий ҳисоб-китоблар асосида белгиланадиган, перегон ва станциянинг асосий йўлларида камида 2h ва бошқа станция йўлларида камида 4 h ни ташкил этадиган «дарчалар» ажратилиши лозим.

263. Контакт тармоғининг таянчлари ўрнатилишини йўлнинг устки тузилмаси қурилиб, автоматика, телемеханика ва алоқа иншоотларини бунёд этиш ишлари бажарилгандан сўнг бошлаш лозим.

Таянчларни алоҳида перегон, парк ёки бекатларни контакт тармоғи монтажи учун тайёрлашга имкон берадиган тартибда ўрнатиш лозим.

264. Бекатларда бажарилиши «дарча»лар ажратилишини талаб қилмайдиган ишларнинг бажариш кетма-кетлиги бекат бошлиғи билан келишилган ишларни бажариш лойиҳаси билан белгиланиб, унда: ишларни бажариш учун қайси бекат йўллари ажратилгани, улардан фойдаланиш вақти ва давомийлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

11-bob Корхонанинг шохобча (кириш) йўлларини қуришда ишларни бажариш хусусиятлари

265. Ишлаётган корхоналарда ички шохобча йўлларини қуриш бўйича ишларни бажаришда буюртмачи ҳисобланган тегишли вазирлик (идора)ларнинг Темир йўллардан техникавий фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши лозим.

266. Буюртмачи томонидан шохобча йўлларни қуриш учун геодезик режалаш асосларини тузиш қурилишда геодезик ишлар бўйича меъёр ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим; бунда узунлиги 10 km дан ортиқ ташқи шохобча йўлларини қуриш учун геодезик режалаш асоси ушбу ҳужжатнинг 2.2-банди талабларига мувофиқ тузилади.

267. Эгриликнинг оралиқ нуқталарини режалаш эгриликлар радиуси 200 m дан ортиқ бўлганда ҳар 20 m да, эгрилик радиуси кичик бўлганда - ҳар 10 m да бажарилиши лозим.

268. Қурилиш жараёнида геодезик режалаш ишларини бажаришда бурчакларни ва масофаларни ўлчаш, шунингдек нивелирлаш йўлнинг ва унга қўшни бинолар ёки иншоотларнинг ўқи ҳолатидан бўйлама йўналишда кўпи билан 5 cm, кўндаланг йўналишда ва баландлик ҳолатида эса кўпи билан 3 cm оғишни таъминлайдиган аниқликда бажарилиши лозим.

269. Шохобча йўлларининг тупроқ кўтармаларини тиклагунга қадар йўллар кесиб ўтадиган барча ерости коммуникациялари (ёки кесишиш жойларидаги уларнинг қисмлари), коммуникацияларни ҳимоялаш учун ғилофлар ёки бошқа қурилмалар ётқизилган, йўлларни қуриш зонасида тик режалаш, сел канализациясини ётқизиш ва дренажлар қуриш бўйича ишлар якунланган бўлиши лозим.

Ҳаракат тўхтатилишини ёки қўшимча харажатларни талаб этмайдиган босиб ўтказиш ёки бошқа усулда темир йўл кўтармаси остидан қувурларни ётқизилганда коммуникацияларни шохобча йўллар қурилганидан сўнг ётқизишга йўл қўйилади

Агар тупроқ кўтармасини тиклаш тик режалаш, дренажлар ва ёғин оқавасини қуриш бўйича ишлар тугатилишидан аввал (бу ҳолат ишларни бажариш лойиҳасида асосланган бўлиши керак) амалга оширилса, сувни чиқариб юбориш вақтинчалик ариқ, новлар ва кюветаларни қуриш йўли билан амалга оширилиши лозим.

270. Туташ ҳудудларнинг режалаш белгилари сатҳида ётқизиладиган йўлларнинг (чуқурлаштирилган ва ярим чуқурлаштирилган балласт қатламли) тупрокли кўтармасини совуқ тушгунча ва грунт музлагунча тиклаш лозим.

Қиш вақтида тупроқ кўтармасини чуқурлаштирилган ва ярим чуқурлаштирилган балласт қатламда дренажловчи музламайдиган ва қояли грунтларда тиклашга йўл қўйилади.

271. Йулнинг эгри қисмларида изнинг кенглиги эгрилик радиусига боғлиқ холда буюртмачи ҳисобланган вазирлик (идора)нинг Темир йўллардан техникавий фойдаланиш коидаларига, у бўлмаганда, 8-жадвалда келтирилган маълумотларига риоя килган ҳолда белгиланади.

5-жадвал

Эгрилик радиуси, m	**Эгри участкаларда шохобча йўллар рельс изларининг кенглиги, mm**
350 ва ундан кўп	1520 (1524)
349 дан 300 гача	1530 (1530)
299 дан 150 гача	1535 (1540)
149 дан 100 гача	1545(1545)
99 дан ва ундан кўп	1550(1550)

Изох. Кавс ичида тўғри участкаларда из кенглиги 1524 mm бўлган шохобча йўллар учун эгри қисмлардаги из кенглиги қийматлари келтирилган.

272. Изнинг кенгайишини таркатиш ўтказма эгри чизиғи доирасида, у бўлмаганда тўғри қисмда секин: ҳар 1 m йўлга кўпи билан 3 mm дан амалга оширилади.

273. Ости қияли рельслардан ясси тўшамаларда ётадиган рельсларга ўтиш камида 10 m узунликдаги участкада аста-секин бажарилиши лозим.

274. Рамали рельслар олдидан кистирмаларни ётқизиш заруратининг олдини олиш учун стрелкали ўтказгични йўл бўйлаб ётқизиладиган рельслар узунлигининг ярми масофасигача кўчиришга рухсат берилади, бунда стрелкали ўтказгичлар орасидаги тўғри киритмалар йўл қуйилгандан кам бўлмаслиги, стрелкали ўтказгичларга туташ майдонлардаги йўлларнинг режаси ўзгаришсиз колиши лозим.

275. Йўлни балласт қатламнинг кейинги қатламига кўтаришга ётқизилаётган йўл бўйича камида 25 минг тонна брутто поезд юкламасини ўтказиш билан текислаб аввалги қатлам зичланганидан сўнг рухсат берилади.

12-bob Поездларнинг ишчи ҳаракатини ва йўллардан вақтинчалик фойдаланишни ташкил қилиш. темир йўлларни фойдаланишга кабул қилиш

276. Янги темир йўлнинг қуриш даврида уни вақтинчалик фойдаланишга киритишдан аввал бош пудратчи қурилиш ташкилоти ушбу ҳужжатнинг 1.2-банди талабларига кўра йўлнинг устки тузилмаси материалларини, мураккаб конструкцияларни, ускуналарни ва бошқа қурилиш юкларини ташиш учун мўлжалланган қурилиш поездларининг ишчи ҳаракатини амалга оширади.

277. Поездларнинг ишчи ҳаракатига тайёрланган тупроқ қопламаси, сунъий иншоотлар, диспетчерлик, поезд ва подстанция алоқаларини таъминловчи миқдордаги симлар сонига эга алоқа тармоқлари мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Техникавий-иқтисодий асосланиш мавжуд бўлганда, (лойиҳага нисбатан) пастки профил бўйича тўкилган тупроқ қопламасига ётқизилган йўлар бўйича тўсиқ иншоотларни вақтинчалик айланиб ўтиш ёки қурилиш поездлари ҳаракатига йўл қўйилиши мумкин.

278. Бош пудратчи, поездлар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш шартларидан ва тупроқ қопламасининг, сунъий иншоотларнинг ва йўлнинг устки тузилмаси ҳолатидан келиб чиқиб, ишчи ҳаракат даврида қурилиш поездларининг ҳаракатланишининг чегаравий тезликларини белгилаши шарт.

Балласт қатламсиз тупроқли кўтармага ётқизилган рельсли йўл бўйича поездлар ҳаракатланганда, уларнинг ҳаракат тезлиги 10 km/h дан ошмаслиги лозим.

279.Поездларнинг ишчи ҳаракатини ташкил этиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш ва йўлни тегишлича сақлаш «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ёки минтақавий темирйўл узели ва ва касаба қўмитаси ташкилоти билан келишилган ҳолда бош пудратчи томонидан тасдиқланган Поездларнинг ишчи ҳаракатини ташкил этиш бўйича йўриқномага биноан амалга оширилиши лозим.

280. Йўлни ёки унинг алоҳида қисмларини вақтинчалик фойдаланишга киритиш йўлнинг техникавий тайёрлиги нафақат қурилиш, балки халқ хўжалиги юкларини, багаж, почта ва йўловчилар ташилишини таъминловчи даражага етказилганда амалга оширилади.

281. Вақтинчалик фойдаланишга киритиладиган йўлнинг техникавий ҳолати куйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

а) тупроқ қопламаси лойиҳа белгиларигача, тўкма ва ўймалар нишабларининг барқарорлиги таъминланиб ва сув кетиш иншоотлари қурилиб тикланган бўлиши;

б) сунъий иншоотлар ишлатилиши мўлжалланган ҳаракат таркибларини муваққат эксплуатация учун белгиланган тезликларда ўтказишни таъминлаши;

в) асосий йўл шпала тагидаги қалинлиги камида 20 cm бўлган балласт қатлам устига ётқизилиши;

г) алоқа тармоқлари диспетчерлик, поезд, подстанция, айирма пунктларда эса, стрелкалараро алоқани таъминловчи симлар сонига эга бўлиши лозим.

282. Темир йўлни муваққат фойдаланишга техникавий тайёрлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ комиссияси томонидан аниқланади. Темир йўлнинг муваққат эксплуатацияга киритишга тайёрлиги ҳақида, иловага кўра йўлнинг техникавий тайёрлиги тўғрисида далолатнома тузилиши лозим.

283. Темир йўл иншоотларининг комплекси ва улардан муваққат фойдаланиш учун техникавий тайёрлигига қўйиладиган талаблар йўл лойиҳасида белгиланиши лозим.

Темир йўлдан муваққат фойдаланишда, одатда, лойиҳада назарда тутилган доимий бинолар, иншоотлар ва қурилмалардан фойдаланиш лозим. Темир йўлдан муваққат фойдаланиш учун вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришга тегишлича асос мавжуд бўлганда фақат истисно ҳолларда йўл қўйилади.

284. Корхоналарнинг шохобча темир йўлларидан фавқулодда вазиятларда ва тегишли асослашлар мавжуд ҳолдагина вақтинча фойдаланишга йўл қуйилади.

Кўрсатилган йўлларни вақтинчалик эксплуатацияга киритиш қурилаётган корхонанинг йўлларини ишлатиш топширилган ташкилотнинг қурилиш ташкилоти, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ёки минтақавий темирйўл узели ва касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган қарори асосида амалга оширилади.

285. Муваққат ишлатишга мўлжалланган корхоналарни шохобча йўлларининг техникавий тайёрлиги ҳаракат таркибининг белгиланган тезлик ва юклама билан ҳавфсиз ҳаракатини таъминлаши лозим; йўллар қалинлиги камида (шпала остида) 15 cm қалинликдаги балласт билан кўтарилган, балласт призма меъёрий кенгликда кўмилган ва яшчиклар шпаланинг камида 0,5 қалинлигида балласт билан тўлдирилган бўлиши лозим.

286. Янгидан курилган ёки реконструкция қилинган темир йўлларни, иккинчи йўлларни, узелларни, станцияларни, электрлаштирилган участкаларни, темир йўллардаги бино ва иншоотларни, шунингдек, саноат корхоналарининг шохобча темир йўлларини доимий фойдаланишга қабул қилиш қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича меъёр ва қоидаларнинг талабларига, шунингдек, қурилиши тугалланган те-мир йўл транспорти объектларини (қурилишларини) фойдаланишга қабул қилишнинг амалдаги коидаларига кўра амалга оширилиши лозим. Сув таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, электр таъминоти ва сув-оқавани фойдаланишга қабул қилиш тегишли қурилиш меъёрлари ва коидалари талабларига биноан амалга оширилади.

287. Доимий фойдаланишга топшириладиган темир йўллар нормаларга мувофиқ йўл устки тузилмасининг ҳар километрига мос тарзда материаллар захираси билан таъминланиши лозим.

288. Иншоотларнинг устиворлиги ва пойдеворлар грунтларининг ҳарорат режими устидан кузатиш учун йўлни қуриш ва муваққат эксплуатацияси даврида ишлатиладиган курилмалар улар хизмат кўрсатадиган объектларни доимий фойдаланишга топшириш билан бир вақтда топширилади.

13-bob Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

289. Темир йўлни қуришда атрофдаги ҳаво, сув ва ер муҳитини муҳофаза қилиш, тупроқ ва жинсларнинг сув-термик режимини, гравитациявий ва биокимёвий мувозанатни минимал ўзгартиришни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни таъминлаш керак, флора ва фаунани муҳофаза қилиш. Шунингдек, тармоқларни қуришда юзага келадиган геологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг назоратсиз ривожланишининг олдини олиш, уларнинг атроф-муҳитга сусайиши ва оқибатларини бартараф этиш бўйича техник ечимлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Мураккаб муҳандислик-геологик шароитларда ва вақт ўтиши билан хусусиятлари ўзгариши мумкин бўлган тупроқларда лойиҳалаштирилган тезюрар ва айниқса оғир юк ташувчи темир йўллар лойиҳаларида дала кузатувлари учун назорат-ўлчов ускуналари ва ускуналарини ўрнатиш учун махсус лойиҳаларни назарда тутиш керак ва прогнозлаш, жараён қурилишида бўлгани каби ва ишончлилик, эксплуатация ва экологик хавфсизликнинг ишлаши пайтида, лойиҳаларда тарихий, этнографик, меъморий ва бошқа ёдгорликларни сақлаш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқилиши керак.

290. Темир йўлларни қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида кўзда тутилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари, ер ва сув қонунчилиги асослари, ер қаъри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари, амалдаги қарорлар, норматив ҳужжатлар, қоидалар ва стандартлар талабларига жавоб бериши керак.

291. Темир йўл тармоқсининг йўналишини лойиҳалашда режа ва профил элементларини ҳудуд ландшафти билан уйғун боғлаб, унинг етарлича кенг релеф бўйлаб мавжуд экологик мувозанатнинг максимал даражада сақланишини таъминлаш керак. Режалаштирилган чизиқнинг меъморий таркиби, шунингдек, унинг алоҳида муҳандислик иншоотлари релъеф, ўсимликлар мавжудлиги, аҳоли пунктлари, транспорт коммуникациялари, ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда танланиши керак. Зарур ҳолларда, янги декоратив композицияларни яратишни таъминлаш ёки ландшафтнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик учун бошқа чораларни ишлаб чиқиш керак.

292. Аҳоли пунктларида табиий ландшафтни бузадиган жойлар сонини камайтириш учун вақтинчалик ажратилган зонада карерлар очилишини кўзда тутиш умуман тақиқланади, тупроқ, дренаж ва тош материалларни қазиб олиш кенгайиши билан таъминланиши керак.

293. Тоғли шароитда қирғоқлар ва ҳаракатланувчи таркибдан қўшимча юклар, шунингдек, қазиш ишларининг ривожланиши нишаб жараёнларини фаоллаштириши мумкин: ёғингарчилик, силжишлар, қор кўчкилари. Шунинг учун темир йўл йўналишини ётқизиш хавфли физик-геологик жараёнлар содир бўлган ҳудудлардан ташқарида амалга оширилиши керак ёки лойиҳада ушбу жараёнларни барқарорлаштирадиган тузилмалар ва қурилмалар назарда тутилиши керак.

294. Бурғулаш ва портлатиш ишларини лойиҳалашда портлаш энергиясининг атроф-муҳитга сейсмик таъсирини камайтириш учун бир вақтнинг ўзида портлаган зарядларнинг умумий массасини чеклаш, алоҳида заряд гуруҳлари портлашлари орасидаги секинлашув оралиғини ошириш керак. Транспорт қурилишида портлашлар тошни чиқариб юбориш ва тўкиш учун амалга оширилмаслиги керак, лекин портлатиш фақат бўшашиш учун амалга оширилиши керак, сўнгра тош массасини экскаватор ва булдозерлар билан қазиб олиш керак.

295. Дарёлар ҳосил бўлган зонада (қияликларнинг фаол эрозияси) темир йўлни лойиҳалашда эрозияга қарши чора-тадбирларни ҳисобга олиш керак - қияликларни ётқизиш, фитомелиорация (оқимларни тартибга солиш тизимида ўсимликлардан фойдаланиш) ва ўрнатиш. эрозияга қарши гидротехник иншоотлар (сув сақловчи тўғонлар, сув тўкишлар ва бошқалар).

EZR3847

296. Фаол сел фаоллиги зонасида йўлни лойиҳалашда селга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва селнинг ўтказувчанлиги ва сел оқимини ушлаб туриш воситаларини таъминлаш керак.

297. Кўп миқдорда чангли юклар (кўмир, руда) ташиш билан боғлиқ темир йўлларда тупроқ унумдорлигини йўқотиш ва йўлга туташ ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида зарарли моддаларнинг тўпланишини олдини олиш учун йўлнинг ҳар бир томонида ўсимликларни тўплаш учун ҳимоя дарахтзорларини барпо этишни назарда тутиш керак.

298. Ҳаракатланувчи таркибнинг шовқиндан ҳимоя қилиш учун КМК 2.01.08 талаблари бажарилиши керак.

299. Ёввойи ҳайвонларнинг мавсумий кўчиши йўлларида миграция оқимларининг ўтишини ташкил қилиш учун йўл участкалари эстакадалар ёки туннелларда лойиҳалаштирилиши керак. Йўлнинг очиқ участкалари, темир йўл, ҳайвонларнинг миграция оқимининг темир йўл орқали ўтишини ташкил қилиш жойларига туташ, мигрантларнинг йўлга чиқишлари мумкин бўлган участкалари бўйлаб, тўсиб қўйилиши ва йўллар автоматлаштирилган сигнализация тизими билан жиҳозланиши керак.

300. Йўлга туташ ҳудуднинг мелиоратив ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, балиқчиликни ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, йўл ва кўприк ўтиш жойлари кесиб ўтувчи дарёларнинг текисликлари лой ва ботқоқланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

Агар керак бўлса, қўшимча сув ўтказгичлар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш керак.

301. Балиқчилик сув оқимлари чорраҳаларида балиқларнинг тухум қўйиш жойларига кўчиб ўтиш йўлларининг сақланиши, гидромеханизациялаш ва кўприк таянчларини қуришда сувнинг лойқаланишидан ҳимояланиши таъминланиши керак.

302. Гидромеханиклаштирилган тупроқ ишларини ишлаб чиқаришда ер усти ёки ер ости босимсиз сув билан тўлдириш билан асосан айланма сув таъминоти схемасидан фойдаланиш керак. Тўғридан-тўғри тўкилган сувни қўшимча равишда аниқламасдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Чиқинди сувларни чиқариш шартлари гидромеханиклаштирилган иш майдонига туташган сувдан фойдаланиш объектларини муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олиши керак. Чиқинди сувларнинг чиқиши маиший-маданий мақсадларда сувдан фойдаланиш манбаларининг санитария муҳофазаси зоналари ва зоналари, балиқ овлаш муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва уларга туташ ҳудудлардан ташқарида жойлашган бўлиши керак.

303. Оммавий кўпайтириш даврида, шунингдек балиқларни сақлаш, қишлаши, балиқларнинг кўчиши, балиқ овланмайдиган объектларни кўпайтириш жойларида гидромеханизациялашган ишларни ўтказиш тақиқланади.

304. Ҳимоя зоналарининг ўсимликлари ўрмон ёнғинларидан уларнинг чегаралари бўйлаб тупроқли чизиқлар билан ёнғинга қарши бўшлиқларни ташкил қилиш орқали ҳимояланган бўлиши керак.

305. Автомобил йўллари, одатда, лойиҳага мувофиқ ажратилган минтақада жойлашган бўлиши керак. Тупроқ қопламаси бузилишининг олдини олиш учун автомобил йўлларидан ташқарида транспорт воситаларининг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

306. Ўсимлик тупроғини кесиш фақат эриган ҳолатда амалга оширилади ва яширин ишлар далолатномаси билан расмийлаштирилади, унда уни сақлаш ва кейинчалик фойдаланиш тартиби акс эттирилиши керак.

307. Темир йўлларни қуриш ва улардан фойдаланиш энергия ва ресурсларни тежашнинг отимал техник-иқтисодий кўрсаткичларига мос келиши керак.

EZR3847

308. Темир йўлларни қуришда "яшил" қурилиш тамойилларига, шу жумладан ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашга, ёпиқ сув таъминоти тизимларига риоя қилиш керак.

309. Темир йўлларни қуриш ва улардан фойдаланишда энергия самарадорлигини ошириш усулларини қўллаш зарур.

310. Темир йўлларнинг қурилиши ва эксплуатацияси доимий равишда такомиллаштирилиб, экология ва ресурсларни тежаш соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ҳисобга олиши керак.

14-bob Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун талаблар

311. Темир йўлларни қуриш (реконструксия қилиш) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг бир қисми сифатида аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар мазмуни билан "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича муҳандислик-техник чора-тадбирлар" (ФВ) темир йўл аварияларига олиб келишини, бўлими кўрсатилиши керак.

312. Фавқулодда вазиятларнинг манбалари сифатида ернинг потенциал хавфли участкаларида ҳам лойиҳавий, ҳам ички (тўғридан-тўғри темир йўлда) ва ташқи аварияларни дастлабки маълумотларга ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ кўриб чиқилиши керак.

313. Темир йўлни лойиҳалашда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда мақбул хавфларни аниқлаш керак:

- темир йўл транспорти ва тегишли инфратузилманинг ўзига хос хусусиятлари;
- қабул қилинган техник ечимлар ва қурилмаларнинг ишончлилиги, шунингдек ҳаракатланувчи таркибни танлаш;
- темир йўл транспорти инфратузилмаси қурилиш-монтаж ишларининг сифати;
- ташқи табиий таъсирлар;
- темир йўлларнинг эксплуатацион хусусиятлари;
- ходимларнинг нотўғри ҳаракатлари;
- қурилиш, реконструксия, консервация ва тугатиш жараёнида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий тупроқ қатлами, ўсимлик қопламининг бузилиши мумкин бўлган оқибатларининг таъсири;
- бахтсиз ҳодисалар хавфи.

314. Ўта оғир шароитларда қурилган ва эксплуатация қилинадиган темир йўлларда - беқарор сувга тўйинган тупроқли тектоник ёриқлар зоналарида ва бошқаларда - темир йўл ва пойдевор ҳолатини кузатиш (назорат қилиш) учун назорат-ўлчов ускуналарини ўрнатишни қурилиш даврида ҳам, темир йўлни ишлатиш пайтида ҳам таъминлаш керак,.

315. Темир йўлни тектоник ёриқлар, кўчкилар зоналари бўйлаб, сув ҳавзалари кўпайган жойларда (тагларда, сув ҳавзалари эгарлари остида ва бошқалар), қор кўчкилари, сел ва тошлар тушиши мумкин бўлган жойларда қуришга йўл қўймаслик керак.

Хавфли геологик жараёнлар (кўчкилар, кўчкилар, селлар, қор кўчкилари ва бошқалар) зоналарида темир йўл қуришда ҳимоя иншоотларига эга бўлиш ёки амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ темир йўлни зарур ҳимоя қилишни таъминлаш чораларини кўриш керак.

Илова 1

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу Қурилиш Регламентда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

GOST 9238-2022 Темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг ўлчамлари ва биноларнинг яқинлиги ***(****ГОСТ 9238-2022 Габариты железнодорожного подвижного состава и приближения строений****)***

ҚР 05.01-2023 Ички санитария-техник тизимлари.

ҚР 05.04-2023 Сув таъминоти ва канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар.

ШНК 2.01.02-04 Пожарная безопасность зданий и сооружений / Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавсизлик

КМК 2.01.07-96 Нагрузки и воздействия / Юклар ва таъсирлар

КМК 2.01.08-19 Шовқиндан ҳимоя

ШНК 2.07.01-03 Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш

2-сон узгартириш (02.10.2018) Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш

3-сон узгартириш (04.04.2019) Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш

4-сон узгартириш (12.06.2023) Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш

СНиП 2.05.07-91 Промышленный транспорт

СНиП 22-02-2003 Инженерная защита территорий, зданий и сооружений от опасных геологических процессов. основные положения

EZR3847